БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 106 (18.583). ● Якшанба, 1983 йил 8 май ● Баҳоси 3 тийин.

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

● Андижон районидаги «Москва» колхозининг Ақчахон Ашурова бошлиқ оилавий звеноси қурт боқишда кўпчиликка ўрнак бўлмоқда. Чунки бу ерда ҳамма ишлар намунали ташкил этилганлиги туфайли қуртлар яхши ўсмоқда. Яқинда Андижон район пиллачилик бошқармасининг комиссияси оилавий звенонинг ишига юксак баҳо берди.

Звено бу йил саккиз қути қурт уруғини боқишга олиб, давлатга минг килограмм юқори нав пилла топшириш мажбуриятини олган. Тажрибали пиллакор А. Ашурова ўз тажрибасини мусобақадош дугоналаригa ҳам ўргатмоқда.

Шу мавсумда унинг оиласи ҳар қути қурт уруғидан 125 килограммдан, яъни бултургидан 5 килограмм кўп пилла олишга қарор қилган.

● Бу йил Сурхондарё области яйловларида мўл-кўл ўт-ўлан ҳосили етилди. Хўжаликлар табиий ўтлардан салкам 200 минг тонна пичан ғамлаб қўйишга аҳд қилишган. Бу эса область жамоат чорвачилиги учун тайёрланиши кўзда тутилаётган жами хашакнинг қарийб бешдан бир қисмига тенгдир.

Шу кунларда Хонтўқай, Хотинработ, Боботоғ массивларида жойлашган яйловларда Жарқўрғон, Термиз, Қумқўрғон, Сариосиё районларидаги кўпгина хўжаликларнинг ем-хашак тайёрловчи бригадалари жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар.

Редактор колонкасы

ЯНГИЛИКНИ ҲИС ЭТИБ

Жонажон партиямизнинг кўп қиррали фаолиятида янгиликни, илғор тажрибаларни олдиндан кўра билиш, уни чуқур ҳис этиш ҳамиша етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келган ва шундай бўлиб қолади. Коммунистик партия доимий ташаббускорлик керак, бу ташаббус ҳар доим ва ҳамма эрда кенг қулоч отиши лозим, деб таълим беради.

Ишчилар ва колхозчи-деҳқонларимиз ўзларининг ватанпарварлик ҳаракатлари билан ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатиб ишламоқдалар. Бутун мамлакатимиз, шу жумладан, республикамиз бўйлаб «Самарали ва сифатли ишлайлик!» шиори остида Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси кенг қулоч отган. Бу мусобақа янгидан-янги ташаббусларни, ватанпарварлик ҳаракатларини вужудга келтирди, уларни миллионларнинг мулкига айлантиряпти.

Белгиланган режаларнинг пировард натижалари кўп жиҳатдан ибратли ташаббусларга, ҳар бир ходимнинг ишга онгли ва ижодий ёндашишига, янгиликни дилдан ҳис этиб, унга қалб кўри ва меҳрини бахшида этишга боғлиқ. «Совет Ўзбекистони» газетасида бундай коллективлар ҳақида мунтазам равишда мақолалар ёритилиб турибди.

Партия ташкилотлари ишчи-хизматчиларда, қишлоқ хўжалиги ходимлари ва зиёлиларда ижодий изланишни ривожлантиришга, уларнинг янгидан-янги ташаббуслар кўрсатиб ишлашлари учун кенг имкониятлар яратиб беришга даъват этилганлар. Бу ўринда коммунистлар шахсан намуна кўрсатиши ғоят муҳим аҳамиятга эга. «Биз партия ташкилотларининг эътиборини кадрларни янгиликни ҳис этиш руҳида, янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий қилишни тезлаштириш учун масъулият руҳида тарбиялашга қаратмоқдамиз», — деб ёзади Термиз шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Тожиддинов. Дарвоқе, партия ташкилотлари янгиликларни қўллаб-қувватлашлари, илғор тажрибаларни кенг ёйишлари, камчиликларга нисбатан муросасиз бўлишлари лозим.

Ҳаётимизда юз берган ҳар бир янгилик, шубҳасиз, қувончли натижалар билан тугаши турган гап. Масалан, бугунги кунда меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада формаси турмушга тобора чуқурроқ кириб бораётир. Шу билан бирга уни жорий этишда айрим жойларда сусткашликка йўл қўйилмоқда, янгиликни чуқур ҳис этмаслик ҳоллари учраб турибди. Бу борада партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтиришлари керак.

Ҳозир ишлаб чиқаришнинг ажойиб новаторлари етишиб чиқмоқда. Улар янгиликни ҳис этадиган, истиқболни кўра оладиган ажойиб кадрлардир. Лекин шундайлар ҳам учрайдики, улар йиллаб ўз ишида янгилик яратмайдилар, бир чеккада томошабин бўлиб турадилар, ташаббус кўрсатмайдилар, чунки бундайлар плантопширириқларининг оширилишидан чўчийдилар. Партия ташкилотлари масаланинг ана шу томонига асосий эътиборни қаратишлари керак. КПСС XXVI съездида таъкидлаб ўтилганидек, янгиликни ҳис этиш ҳаммадан кўра идеология ходимларига хос хусусият бўлиб қолиши лозим.

ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

● РЕСПУБЛИКА МЕҲНАТ АҲЛИ БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

● МЎЛ ҲОСИЛ ИШТИҲОҚИ БИЛАН

● ЧОРВА МОЛЛАРГА МЎЛ-КЎЛ ОЗУҚА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Ўзбекистонда меҳмон бўлган ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси, Э. Хонеккер, Германия Демократик Республикасининг у бошчилик қилган партия-давлат делегациясининг бошқа аъзолари 7 май куни Тошкент областининг қишлоқ меҳнаткашлари билан учрашдилар.

ГДРлик меҳмонлар эрталаб Коммунистик райондаги «Ленинский путь» колхози марказига келдилар. Бу ерда немис ўртоқларни табриклаш учун район хўжаликларининг юзлаб меҳнаткашлари йиғилдилар. Меҳмонлар нон-туз, баҳор гуллари, карнай-сурнай тантанали садолари, рақслар билан кутиб олинди.

«Ленинский путь» колхози кўп тармоқли хўжалик бўлиб, кўп миқдорда пахта, каноп, сабзавот-мева, чорвачилик маҳсулотлари етиштиради, миллионлаб сўм даромад олиб туради. Э. Хонеккер, делегациянинг бошқа аъзолари колхозчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари, хўжаликнинг истиқболи билан қизиқдилар. Районнинг партия раҳбарлари, колхоз правлениесининг аъзолари, колхоз ишлаб чиқаришининг илғорлари билан суҳбат бўлди. Суҳбат чоғида меҳмонлар хўжаликни социал-иқтисодий ривожлантириш, районда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш режалари билан таништирилди. Район дала ва фермаларининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми, Озиқ-овқат программаси ўртага қўйган вазифаларни қатъият билан бажармоқдалар.

Э. Хонеккер, ГБСП Марказий Комитетининг секретари В. Фельфе самимий кутиб олганликлари учун колхозчиларга миннатдорчилик билдирдилар. У ГДР партия-давлат делегациясининг Совет Иттифоқига қилган ҳозирги визити бир сафда туриб тинчлик ва социализм учун курашаётган икки мамлакат халқлари дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлигининг яна бир ёрқин далили бўлганлиги айтилди. Кремлда тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар, Олмаота ва Тошкентдаги суҳбатлар ва учрашувлар қарашларимиз ва ниятларимизнинг бирлигини кўрсатди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов ўртага қўйган янги тинчлик таклифлари халқаро кескинликни юмшатиш учун, ядро уруши хавфига қарши курашда социалистик лагерь мамлакатлари позициясини янада мустаҳкамлайди.

Меҳмонлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқлари комплекс равишда ривожланиб бораётган, пахта ва озиқ-овқат экинларининг ҳосили муттасил кўпайиб бораётган, чорвачилик маҳсулотлари ортаётган Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг мувафақиятларига юксак баҳо бердилар. Кўпгина миллат вакиллари меҳнат қилаётган колхозингиз социалистик хўжалик юритиш усулининг афзалликларидан моҳирона фойдаланиш тимсоли бўла олади, деди В. Фельфе. Ортирган тажрибаларингиз ибратли ва фойдалидир. Делегациямизнинг аъзолари совет диёридаги самимият ва сидқидилликни ҳеч қачон унутмайди.

Делегация аъзолари колхознинг маданий-маиший муассасалари билан таништилар. Бу ерда қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш шароитларини яхшилашга, уларнинг турмуш маданиятини юксалтиришга кўп эътибор берилмоқда. Меҳмонлар колхоз маданият саройида бўлиб, унинг картиналар галереясини, илмий коммунизм асосчиси Карл Маркс туғилган кунининг 165 йиллиги ва вафотининг 100 йиллигига бағишлаб ташкил этилган виставкани кўриб чиқдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. А. Костандов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, ГДР делегациясига ҳамроҳ расмий кишилар Э. Хонеккер ва делегация аъзолари билан бирга «Ленинский путь» колхозида бўлдилар.

(ЎзТАГ).

МУБОРАК ГИГАНТИ



Юқоридаги суратлар «Мубарекгазпром» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли СССР 60 йиллиги номли Муборак газни қайта ишлаш заводида олинган. У Ўзбекистондаги йирик корхоналардан биридир. Завод коллективи йилдан йилга зафар қучмоқда. Жумладан, биринчи квартал планлари қарийб барча кўрсаткичлар бўйича ортиғи билан адо этилди. Суратда: 1. Заводнинг илғор операторларидан бири Анна Игнатьева. У меҳнат қилаётган смена маҳсулотларни давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқармоқда. 2. Корхонанинг технология жараёнларини автоматик бошқариш системаси. Мазкур система фойдаланишга топширилгач, ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш таъминланди. 3. Завод учинчи навбатининг газни тозалаш ва қуритиш цехи.

В. Молгачев фотолари.

ГДР делегацияси Тошкентдан жўнаб кетди

ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер бошчилигида расмий дўстона визит билан Совет Иттифоқига келган Германия Демократик Республикаси партия-давлат делегацияси 7 май куни Тошкентдан ватанига жўнаб кетди.

ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси В. Штоф, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари Г. Аксен, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари В. Фельфе, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари И. Герман, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР давлат хавфсизлиги министри Э. Милке, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари Г. Миттаг, ГДР Давлат Кенгаши Раисининг ўринбосари, Германия либерал-демократик партиясининг раиси М. Герлах, ГДР Давлат Кенгаши Раисининг ўринбосари, Германия Миллий демократик партиясининг раиси Г. Хоман, ГДР Давлат Кенгаши Раисининг ўринбосари, Германия Демократик деҳқонлар партиясининг раиси Э. Мекленбург, ГДР Миллий фронти миллий кенгашининг президенти Л. Кольдиц, ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР ташқи ишлар министри О. Фишер, Христиан-демократик иттифоқ раисининг ўринбосари Г. Теплиц, ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитети халқаро алоқалар бўлимининг мудири Г. Зибер Э. Хонеккер билан бирга Ўзбекистон пойтахтидан жўнаб кетдилар. СССРнинг ГДРдаги элчиси П. А. Абрасимов ҳам Берлинга жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. А. Костандов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлари Е. А. Айтмуротов, Ю. П. Максимов, М. М. Мусаханов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов, У. У. Умаров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, В. К. Михайлов, Б. Р. Раҳимов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, мамлакат бўйлаб сафарда ГДР делегациясига ҳамроҳ бўлган расмий кишилар, Ўзбекистон ССР министрлари, давлат комитетларининг раислари Э. Хонеккерни, делегация аъзоларини кузатиб қолдилар. Кузатиб қолувчилар орасида ГДРнинг СССРдаги элчиси Э. Винкельман бор эди.

Тошкент меҳнаткашларининг вакиллари аэропортга бориш йўлида ва аэровокзал перронида Э. Хонеккерни, ГДР делегациясининг аъзоларини самимий табриклаб турдилар.

(ЎзТАГ).

МАМЛАКАТ АЛОҚАЧИЛАРИНИНГ БАЙРАМИ

Жамиятимиз турмушида алоқа воситаларининг роли катта ва тобора ошиб бормоқда. Алоқа воситалари фойдаланилмаётган биронта ҳам соҳа йўқ. Юксак самарали воситалар ишлаб чиқаришда, тадқиқот ишларида, бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Ҳозирги вақтда алоқа корхоналари ана шундай воситалар билан таъминланмоқда.

Мамлакат яхлит алоқа системаси тез суръатлар билан такомиллашиб бормоқда. Ҳар бир совет хонадони Москвадан нечоғлик узоқ жойлашган бўлмасин, телевидение ва радио Ватанимиз бутун дунё турмушининг ҳароратини уларга етказиб туради.

Партия XXVI съезди қарорларида алоқа воситалари ишини ривожлантиришга, такомиллаштиришга катта эътибор берилган. Радио кунига, алоқанинг барча тармоқлари ходимлари байрамига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчилари тармоқ қандай ривожланаётганлиги тўғрисида, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумининг қарорлари қандай амалга оширилаётганлиги ҳақида гапиришдилар. Йиғилиш 6 май куни Москвада, Союзлар уйининг Колонна залида бўлиб ўтди.

Йиғилиш президиумида СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. В. Смирнов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари, министрликлар ва идораларининг раҳбарлари, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари, олимлар, ҳарбий бошлиқлар, ишлаб чиқариш илғорлари, пойтахт жамоатчилигининг намояндалари бор эди. Радио саноати министри П. С. Плешаковнинг докладида, йиғилиш иштирокчиларининг нутқларида тармоқ меҳнаткашлари, олимлар алоқа барча воситалари ишининг самарадорлигини янада оширишга, халқ хўжалиги етакчи соҳаларидан бирини тез суръатлар билан ривожлантиришга астойдил ҳаракат қилаётганликлари таъкидланди. (ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Н. Т. ТУРОПОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан халқ депутатлари Сурхондарё область Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Нормўмин Туропович **Туроповга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»** фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1983 йил 6 май.

МАДРИД УЧРАШУВИДА

МАДРИД, 6 май. (ТАСС). Совет Иттифоқи Мадрид учрашувида муҳим ва конструктив сиёсий қадам қўйди. Совет делегацияси ялпи мажлисда Совет Иттифоқининг Мадрид учрашувида қатнашаётган давлатларга мурожаатномасини ўқиб эшиттирди.

ТАЖРИБАКОРЛАР МИНБАРИ

ТЕЖАМКОР БЎЛАЙЛИК

Районимизда янги ўзлаштирилаётган ерлар ҳисобига экин майдонлари кенгайиб боряпти. Кейинги 3—4 йил ичида ана шундай ерлар ҳисобига 4 та янги боғдорчилик ва узумчилик совхози ташкил этилди. Ана шу совхозларга бизнинг хўжалик экин экаётган адир ерларнинг бир қисми ажратиб берилди. Деҳқончилик қиладиган ерларимиз озайди. Бироқ, пахта тайёрлашни камайтирмадик. Фан-техника ютуқлари, илғор тажрибалар, агротехника қоидаларига изчил риоя қилиб, мавжуд экин майдонларидан самарали фойдаланиб, ҳосилдорликни муттасил ошириб бормоқдамиз.

Колхозимиз бўйича ўтган йили 6625 тонна пахта тайёрланди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 44,8 центнерни ташкил этди. Натижада пахтачиликнинг ўзидан 5 миллион 379 минг сўм даромад олинди. Алмашлаб экиш, оралиқ экинларини кўпайтиришга катта эътибор бериб келинаётир. Бу, тупроқ унумдорлигини ошириб, ҳосилдорликни кўтариш билан бирга қўшимча даромад манбаи, чорвачиликни ривожлантиришнинг негизи бўлмоқда. Биргина ўтган йили 1969 тонна дон етиштирилди. Чорва маҳсулотлари етиштириш барча кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарилди. Өҳтиёждан ортиқча бўлган оралиқ экинлари ҳосилини хўжаликларга сотиш ҳисобига 69,5 минг сўм, Ваҳш жавдари уруғининг ўзидан 67 минг сўмлик қўшимча даромад олинди.

Жилғалар йиғилиб дарё бўлади, дейдилар. Хўжалигимиз бўйича 7 миллион 25 минг сўм даромад олингани бунга мисол бўла олади. Ана шулар ҳисобига ҳар бир ишловчининг ўртача иш ҳақи йилига 1415 сўмни ташкил этиб, аввалги йилга нисбатан 100 сўм, планга нисбатан 284 сўм кўпайди. Шуни қувонч билан таъкидлайманки, меҳнатимиз муносиб тақдирланди. Коллектив хўжалигимиз ўтган йилги кўрсаткичлар бўйича Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби деб топилиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди.

Бригадамиз 1979 йилдаёқ пудрат усулида ишлашга ўтган эди. Бироқ, амалда бу усулнинг имкониятларидан етарли фойдалана олмадик. Ўтган йили бу усулни такомиллаштириб, унга тўла амал қилдик. Колхозчиларда топширилган иш учун масъулият оширилди. Натижада 92 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50,3 центнердан, жами 488 тонна пахта етиштирилиб, йиллик план 112 процентга бажарилди. 311 минг сўм ўрнига 366 минг сўм даромад олинди. Ердан унумли фойдаланилгани ҳисобига ҳар гектар майдоннинг пул даромади 3773 сўмданга етказилди. Бир килограмм азот ҳисобига етиштирилган пахта 20,3 килограммни ташкил этди.

Меҳнатга нарядсиз ҳақ тўлашнинг яна бир афзаллик томони шундаки, ортиқча харажатга йўл қўйилмайди. Иккинчи даражали ишлар билан шуғулланувчи кишиларнинг сони кескин қисқарди. Бригадамизда биргина меҳнат ҳақи ҳисобига 8 минг сўмга яқин пулнинг иқтисод қилиб қолиниши фикримнинг ёрқин далилидир.

Пахтачиликка техникани кенг жорий этмасдан уни ривожлантириш, ҳосил таннархини арзонлаштириш, сифатини яхшилаш қийин. Экин ерларимиз адирликлардан ташкил топганига қарамай, техникадан кенг фойдаландик. Асосий ҳосилнинг 50 процентини «зангори кема»ларнинг бункеридан тўкдик. Шу ҳисобдан 2500 сўмни иш ҳақидан иқтисод қилиб, терилган пахтанинг сифати учун 2700 сўм қўшимча ҳақ олдик.

Ўн биринчи беш йилликнинг негизи бўлган 1983 йилда ишни механизациялашга янада кўпроқ эътибор берамиз. Мавжуд экин майдонларини планировка қилиб, карталарни йириклаштирдик. Деҳқончилик қилинадиган 85 гектар майдоннинг 35 гектарига «С-6037» навли саноат учун қимматбаҳо бўлган ингичка толали пахта, қолган майдонларга «Уйчи-2» уруғи экдик.

Бу йил барча майдонларга уруғ пуштага экилди. Чунки ўтган йили синов учун экилган майдонларда ғўза яхши ривожланиб, ҳосил юқори бўлди. Ниҳоллар қатқалоққа чалинмади. Яна қувончлиси шуки, пахта эрта пишди.

Колхозда маҳсулот ва меҳнат сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича тадбир тузилган. Ана шу амалий тадбир асосида бажарилган ишлар балл билан баҳоланади. Бу усул уч йилдан буён қўлланилмоқда. Яхши иш бажарилса қўшимча ҳақ тўланади. Пландаги пахтанинг 90 процентдан ортиғи биринчи сортга сотилса, ортиқча сотилган ҳар тонна ингичка толали пахтага 40 сўм, ўрта толали пахта учун 30 сўмдан қўшимча ҳақ тўланади.

Бу йил чигит экишга барвақт киришдик. Бригадамиздаги бу муҳим кампания биринчилар қаторида бошланди. Чигит экишни 5 иш кунида тугалладик. Ҳозир пайкалларда иккинчи комплекс ишлов уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Культивациядан олдин маҳаллий ўғит солинса, нам сақланади. Ана шу намдан иложи борича яхши фойдаланиш ҳисобига ниҳолларимизни анча бўй чўздириб оламиз. Сув танқислиги кутилаётганда бу катта аҳамиятга эгадир.

Биз ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида ҳар гектаридан 55 центнердан хирмон кўтарамиз. Бу хўжалигимизда рекорд кўрсаткич бўлади. Бунга эришиш учун ўғит, техника воситаларидан унумли фойдаланамиз. Айниқса, сувни тежаб-тергаб сарфлашга эришамиз. Токи ҳар бир миқдор сув ҳосилдорликка хизмат қилсин.

Мавлуда ТУХТАБОЕВА,
Чортоқ районидаги Навоий номли колхоз бригадири, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»—ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАРДА

НОРИН— ТЎҚИМАЧИЛАР ДИЁРИ

Партия XXVI съезди маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб, ишчи кучларидан самарали фойдаланиш вазифасини қўйди. Корхоналарнинг қишлоқ филиалларини барпо этиш ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Йил бошида Норин район маркази — Ҳаққулободда «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» Наманган шойи газлама комбинатининг филиали— ип йигириш ва газлама тўқиш фабрикаси қурилиши бошлаб юборилганди. 13 гектар майдонда бунёд этилаётган бу тўқимачилик корхонасининг дастлабки навбати шу йил фойдаланишга топширилади.

Ҳа, Норин келажакда тўқимачилар диёри ҳам бўлиб қолади. Шу кунларда фабриканинг 34 минг урчуққа мўлжалланган дастлабки навбати — ип йигириш корхонаси жадал суръат билан бунёд этиляпти. Уни июнь ойида қуриб тугаллаш кўзда тутилган.

Наманганга элтувчи йўлнинг чап томонида барпо этилаётган корхона ҳийлагина майдонни эгаллаган ва қарийб бўй кўрсатиб қолди. Бош корпус ён-атрофида кўпгина ёрдамчи иншоотлар ҳам айни бир вақтда комплекс қуриляпти.

Бош пудратчи ташкилот — Наманган «Облколхозстрой» трестига қарашли Ҳаққулободдаги 34-колхозлараро механизациялашган кўчма колонна бош инженери Соли Эргашев билан объектларни айландик. Биринчи навбат қурилишининг бош корпуси битай деб қолган. Унинг ёнидаги кўп қаватли маъмурий маиший бино, сув тўплаш иншооти, холодильник-компрессор, қозонхона ва учта насос станциялари, 500 ва 1000 кубометр сиғимли бешта ҳавза, буғлатиш цехи, ўт ўчириш депоси ва бошқа иншоотлар қурилиши анча тез боряпти.

— Фабрика қурилишида бизнинг кўчма колоннамиз қурувчиларидан ташқари яна ўттиздан ортиқ қурилиш ташкилоти ишчи ва мутахассислари меҳнат қилишяпти, — дейди бош инженер. — Уларга барча районлардан келган саккиз юздан зиёд бинокор яқиндан ёрдам бермоқда. Қурилишдаги мураккаб ечимларни ҳал қилиш, машина, асбоб-ускуналарни ўрнатишда Москва, Киев каби йирик тўқимачилик марказларидан таклиф этилган мутахассис ва ишчиларнинг бизга кўрсатаётган оғаларча ёрдами катта.

Чиндан ҳам қурилишда бажарилаётган ишлар хилма-хил, кўлами анча кенг. Бу ишларни турли қурилиш ташкилотларининг вакиллари бажаришяпти. Коллективлардан ҳар бирининг аниқ вазифаси, маълум иш участкаси бор. Айни пайтда ҳар бирининг иши бошқалари билан чамбарчас боғланган. Умумий ишнинг муваффақияти занжирдаги ҳар бир халқанинг аниқ ва бир маромда ишлашига боғлиқ. Намангандаги 16-районлараро ихтисослашган механизациялашган кўчма колонна ишчилари канализация, водопровод ва иситиш ускуналарини ўрнатишдан иборат коммуникация ишларини ўз вақтида аъло даражада бажараётганликлари туфайли комплекс бригадалар учун қулай ва яхши иш фронти вужудга келмоқда.

Комплекс бригадаларга уюшган ишчилар эса бетон қориш, ғишт териш, сувоқ, электр пайвандлаш ва дурадгорлик сингари асосий ишларни бажармоқдалар. Комплекс бригада ишчиларининг ҳар бири қурилишда асқотадиган бундай касбларнинг ҳаммасини яхши билади. Бу бригадаларда план топшириқлари муттасил ошириб бажариляпти. Улар бажарган ишлар биринчи тақдимдаёқ юқори сифат билан қабул қилинмоқда. Маҳкам Қосимов, Шарофиддин Воҳидов, Сервер Муждабоев, Одил Каримов каби тажрибали ва уддабурон бинокорлар раҳбарлик қилаётган комплекс бригадалари ички резерв ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, вақтдан илгарилаб меҳнат қилмоқдалар.

—Унумли ишлашимиз учун бизга ҳамма шарт-шароит яратиб берилган, — дейди 16-районлараро механизациялашган кўчма колоннанинг пайвандчи слесари Абдувоҳид Буратов. — Бутун область ва район раҳбар ташкилотларининг диққат-эътибори шу қурилишга қаратилган. Фабрикани энг қисқа, рекорд муддатларда қуриб битказишимиз керак. Шу сабабли иш уч сменада ташкил этилган. Ишни жадал олға силжитувчи деярли ҳамма омиллар ҳаракатга келтирилган.

Абдувоҳид ишлаётган комсомол-ёшлар бригадасига тажрибали пайвандчи Аҳмаджон Қодиров бошчилик қилади. Бригадага уюшган Обиджон Раҳмонов, Маҳмуджон Абдусаматов, Ҳошимжон Қодиров, Валерий Ширябин каби ташаббускор, ўт-олов йигитларнинг ғайратлари билан коммуникация-монтаж ишларида смена топшириғи муттасил 140-150 процентдан уддаланаётир.

Тўғри, бошланишида ишни силжитиб олиш, хилма-хил коллективларнинг ягона мақсаддаги ҳаракат мутаносиблигини таъминлаш, бу йўлда бир-бирларини тушуниш қийин бўлди. Бироқ, тиғиз ишлар, ҳар бир участкадаги қўлам, масъулият, ишчи ва мутахассисларнинг қатъий ҳаракати оқил йўлни тез топишга имкон берди.

Ҳар бир киши нормасини, ишлаб чиқариш топшириғини бажариши учун ҳамма ишни қилиш ҳақида гап борар экан, буюртмачи ва таъминотчи идоралар ҳамкорлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Бош буюртмачи — Наманган шойи газламалар комбинати ва кўплаб таъминотчи идоралар шартномадаги мажбуриятларни яхши, тўла-тўкис бажараётганликларидан қурувчилар ҳурсанд. Лекин материаллар билан таъминловчи баъзи ташкилотларнинг иш услуби мақсадга мувофиқ эмас. Масалан, объектга металл буюмлар ва қувурлар шу кунларда сув билан ҳаводек зарур. Бироқ область «Промвентиляция» трести буюмларни шу кунларда эмас, балки йилнинг кварталларига бўлиб юборишни планлаштирган. Область «Нефтепродукция» идораси ҳам ўз иш режимини пеш қилиб, битумни етарли миқдорда юбормаяпти.

Агар бу ташкилот ва идоралардаги мутасадди ўртоқлар ўз зиммасидаги масъулиятни яхши англаб, қурувчилар билан амалий ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик қилганларида эди, суръат яна ҳам тезлашган, бефойда чиқим камайган бўларди.

Ишончимиз комилки, филиал қурилишини жадаллаштириш билан боғлиқ барча масалалар ишчанлик вазиятида ҳал этилади ва Ҳаққулобод тўқимачилик корхонаси эл-юртни газлама билан таъминлашга ҳисса қўшадиган вақт узоқ эмас.

С. ЖУРАЕВ,
Наманган область, Норин районы.

Бекободдаги В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи сирловчиси, коммунист Мукаррам Мирсандованинг шодлиги чексиз. Бунинг боиси бор, албатта. У шу йил март ойида қолоқ 10-звенога ўтиб ишлаш хоҳишини билдирган эди. Орадан кўп ўтмай, бу звено ҳам илғорлар сафидан жой олди. Бунда кунлик топшириқларни 120—130 процент адо этаётган М. Мирсандованинг ҳам ҳиссаси катта.

А. Жданов фотоси.

МЕҲНАТ ҚЎЛЛЕКТИВЛАРИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ — УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

КАДРЛАР МУҚИМЛИГИ УЧУН

Комбинатимиз коллективи ўтган йили пландан зиёд 200 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб, реализация қилди. Шу йилнинг ўтган тўрт ойида эса иш вақтидан унумли фойдаланиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш эвазига топшириқ 105,6 процент бажарилишига эришилди.

Биз ўзимиз ишлаб чиқараётган маҳсулот Ўзбекистон ва Қозоғистон чорвадорларига, Омск, Тюмень ва бошқа областларга юборилаётганлиги билан фахрланамиз ва маҳсулотларимиз чорвадорларга манзур бўлишига ҳаракат қиламиз.

Меҳнат коллективлари тўғрисидаги қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилиши муносабати билан мен ҳаммага маълум бўлган бир фактни таъкидлаб ўтмоқчиман. **Иш жойини тез-тез ўзгартириб турадиган кишилар меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот сифатини яхшилаш тўғрисида жон куйдирмайди, демак уларнинг меҳнатини виждонан қилинган меҳнат деб баҳолаб бўлмайди.** Шунинг учун ҳам ишчилар қўнимсизлигига қарши кураш меҳнат коллективининг асосий бурчларидан бири бўлмоғи керак. Бинобарин бу ишни қоидага айлантириш ва меҳнат коллективи қонунига ёзиб қўйиш даркор. Шуни ҳисобга олиб, меҳнат интизомини таъминлашда меҳнат коллективларининг ваколатларини белгиловчи 9-модданинг иккинчи бандини қуйидагича таҳрирда бериш ўринлидир:

«Меҳнат интизомининг аҳволини, кадрлар барқарорлигининг аҳволини муҳокама қиладилар ва уларни мустаҳкамлаш учун барча чораларни кўрадилар».

Бизнингча, 9-модданинг иккинчи бандини шу тарзда тўлдириш коллективда меҳнат интизомига бевосита таъсир ўтказувчи кадрлар қўнимсизлигини тугатиш масаласида коллективнинг масъулиятини оширади. Ҳозирги вақтда эса бу муҳим ишда, аслини олганда, коллективнинг иштироки сезилмайди.

Шунингдек, иш жойини тез-тез ўзгартириб турувчи шахсларни, айниқса, бир корхона, ташкилот ёки муассасадан меҳнат интизоми ёки бошқа ички тартибни бузганлиги учун ишдан бўшатилган шахсларни **ишга қабул қилиш масаласида** ҳам меҳнат коллективларига кенгроқ ваколат берилиши зарур. Чунки меҳнат интизомининг аҳволи ва уни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилиш коллективлар ваколатига киритилар экан, шу коллективга янги аъзоларни қабул қилиш ва бўшатиш масаласида ҳам ваколат меҳнат коллективи қўлида бўлиши керак. Бу эса меҳнат коллективларининг обрўсини, таъсир кучини, тарбиявий ролини оширади.

А. КАНИЕЗОВ,
Нукус шаҳар кигиз босиш ва ўтовсозлик комбинатининг смена мастери.

ИШЧИ ЎРИНБОСАРЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети СССР ҳунар-техника ўқув юртларини битириб чиққан кишиларни тақсимлаш тўғрисидаги Низомни СССР Госплани, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети, СССР Молия министрлиги ва ВЦСПС билан келишиб олиб тасдиқлади. Низомда ёш ишчиларни ишлаб чиқаришга юбориш тартиби белгиланган бўлиб, бу тартиб ўқув юртини битириб чиқувчиларнинг иш жойларига битириб чиқишдан олдинги ишлаб чиқариш практикаси бошлангунга қадар шахсий тақсимлашни кўзда тутади. Ишлаб чиқариш практикаси битириб чиқувчилар тақсимлаб юборилган иш жойларининг ўзида ўтказилади.

Низомда ёш ишчиларнинг ҳуқуқлари, битириб чиқувчиларни ишга жойлаштириш, уларнинг профессионал умумий таълим ва маданий савиясини тобора ўстириш учун зарур маиший шароитлар ва имкониятларни яратиш юзасидан корхоналар ҳамда ташкилотларнинг вазифалари белгиланган.

Низом малакали ишчи кадрлар тайёрлаш ва тақсимлаш борасидаги давлат планларининг бажарилиши, шунингдек база корхоналарининг битирувчиларни қабул қилиб, уларнинг ҳосил қилинган касб ва малакаларига мувофиқ равишда ишга жойлаштиришга тайёрлиги учун ҳунар-техника таълими системаси ўқув юртларининг масъулиятини ошириши лозим.

Шу йилдан бошлаб Низом ҳунар-техника таълими системасининг иш практикасига кенг жорий этилади. (ТАСС).

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«ҒОЗҒОН МАРМАРИ— ТОШЛАР САРВАРИ»

Газетанинг шу йил 10 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада Ғозғон карьерлар бошқармаси корхоналари фаолиятидаги ютуқ ва муаммолар аниқ фактлар асосида очиб берилган эди.

Қуйида мазкур мақолага министрлик ва тегишли ташкилотлардан келган жавоблар билан танишасиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ПЛАН КОМИТЕТИ: мақолада мармар кони истиқболини таъминлайдиган қатор масалалар устида мулоҳаза юритилгани айниқса, муҳимдир. Москва, Ленинград, Киев, Тбилиси, Боку, Ереван ва Тошкент метрополитени станцияларини безаб турган Ғозғон мармарига кейинги йилларда талаб анча кучайди. Карьерда шу йилнинг ўзида 19 минг кубометр мармар блоклари ишлаб чиқарилади. Яқин келгусида унинг қувватлари кескин ортиши кўзда тутилган. Бунинг учун эса мақолада тўғри қайд қилинганидек, қатор муаммолар тугуни ечилиши керак. Биринчи галда сув масаласи турибди. Бир неча йиллардан буён республика Геология министрлиги гидрогеологик қидириб-топишдаги изланишлари натижа бермади.

Ғозғон мармар заводи қувватини ошириш устида амалий ишлар олиб борилмоқда. Масалан, ўтган йилнинг охирида фойдаланишга топширилган мармар қирқувчи СМР-014 станоги қўшимча 6 минг квадрат метр сифатли мармар плиталари ишлаб чиқариш имконини яратди. Яқин йиллар ичида шундай станоклардан яна иккитаси ишлай бошлайди.

Ғозғон посёлкаси аҳолисининг маданий-маиший турмушини яхшилаш режалари тузилган. Бу ерда мактаб ва болалар боғчалари тармоқлари кенгайтирилади. Ишчилар учун уй-жой бинолари қад кўтаради. Мазкур қурилишлар учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаб қўйилган. Шу йилнинг ўзида профилакторий фойдаланишга топширилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ: газета мақолаида мамлакатимизда энг йирик объектлардан бири ҳисобланган Ғозғон карьери бугуни ва келажаги хусусида қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилган. Кейинги йилларда бу қимматбаҳо тошга талаб ортиб бораётгани сир эмас. Карьер қувватларини ана шу талаблар даражасига етказиш масаласида эса бирмунча жиддий муаммолар кўндаланг бўлиб турибди.

Министрлик диққат-эътибори мавжуд имкониятлардан рационал фойдаланиш, қўшимча резерваларни қидириб топишга қаратилмоқда. Ҳозирги кунда карьер тегишли техника-механизм ва транспорт билан таъминланган. 20 тоннали кран ремонтидан чиқарилди. Шу йилнинг ўзида Ғозғон карьери учун иккита гидроқурилма, иккита экскаватор ва бульдозер, битта компрессор, юк ортиш ва тушириш тракторлари ҳамда бошқа зарур техника воситалари ажратиш планлаштирилди.

Министрлик системасида — Оҳангарон ва Навоийда ҳунар-техника билим юртлари, Бекобод, Қувасой ва Оҳангаронда техникумлар ишлаб турибди. Бу ўқув-юртларини битирган ёш мутахассислар Ғозғон карьерида ҳам баракали меҳнат қиляптилар.

Бош пудратчи — «Ўзстройтрест» зиммасига Ғозғонда уй-жой қурилиши ишлари устидан назоратни кучайтириш, Тошкент тажрибамеханика заводи дирекциясига эса эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш вазифаси топширилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ: мақолада қайд қилинганидек, ҳозирги замон ишлаб чиқариши ишчи ва инженер-техник ходимлардан юқори техникавий билим талаб этади. Шу мақсадда Ғозғон посёлкасидаги умумий таълим мактаби қошида 189-қишлоқ ҳунар-техника билим юртининг филиали очилган эди. Ўтган йили 44 нафар малакали ишчи-мутахассис карьерлар бошқармаси ихтиёрига юборилди. Эндиликда мазкур билим юртида 51 нафар ёш йигит-қиз таҳсил кўрмоқда.

Комитет кадрлар масаласидаги муаммоларни ҳал эта бориб, қўшимча имкониятлардан фойдаланишни назарда тутади. Бундан кейин Навоий шаҳридаги 225-билим юрти бошқарманинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириб боради.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ: илгари Самарқанд «Облсельхозтехника»си бошқармани эҳтиёт қисмлар билан таъминлаб келарди. Навоий области ташкил этилиши муносабати билан бу ишда айрим узилишларга йўл қўйилди.

Газета мақолаисдан кейин Самарқанд «Облсельхозтехника»си имкониятларини қайта кўриб чиқди ва Ғозғон карьерига зарур эҳтиёт қисмлар жўната бошлади.

Республика «Госкомсельхозтехника»си тегишли мутасадди ташкилотлар диққат-эътиборини Ғозғон карьерлар бошқармаси корхоналарини эҳтиёт қисмлар билан таъминлашда узилишлар бўлмаслигига қаратди.

МАВЗУНИ ТЎЛАҚОНЛИ ЁРИТАЙЛИК

МАТБУОТ ОБЗОРИ

Ёзёвон районидаги «Москва» колхозида коммунист Абубакир Акромов принципиал, ўзига ва бошқаларга талабчан, ташаббускор бригадир сифатида танилган. Ўтган йилги ғоят қийин шароитда ҳам у раҳбарлик қилган коллектив пахтанинг ҳар гектаридан 42 центнердан «оқ олтин» етиштирди. Бироқ, Акромов бу билан қаноатланиб қолмади, партия йиғилишида сўзга чиқиб, колхоз экономикасини кўтариш резервлари ҳали тўла ишга солинмаётганини танқид қилди.

— Хўш, ўзимиз қандай ибрат кўрсатмоқдамиз? — деди у коммунистларга мурожаат қилиб. — Айримларимизнинг интизомсизлигимиз, ишни ўз вақтида бажармаслигимиз, масъулиятни чўқур ҳис қилмаслигимиз туфайли ҳосилдорлик кўтарилмаяпти, чорвада нуқсонлар бор...

Район партия комитетининг биринчи секретари Р. Сафаров **Фарғона область «Коммуна» газетасида** эълон қилинган «Муросасизлик бўлмайди» сарлавҳали мақоласида коммунист Акромовда одамийлик фазилати партиявий принципиаллик билан, ўзига ва бошқаларга бирдек талабчанлик билан уйғунлашиб кетганлиги ҳақида ёзади. Ташаббускор бригадир бошлаб берган эллик центнерчилик ҳаракати бугун Ёзёвон пахтакорлари ўртасида кенг ёйилмоқда. Район партия комитети коммунистларда қамчиликларга муросасизликни, ишда ташаббускорликни қандай тарбиялаётгани мақолада атрофлича очиб берилган.

Область партия ташкилотларида олиб борилаётган кенг кўламли ишларни ёритиш борасида «Коммуна» журналистлари жиддий изланаётганликларини кўрсатувчи бундай ўқимишли материаллар оз эмас. «Партия турмуши: ленинча иш услуби», «Идеология иши жонкуярлари», «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар» рубрикалари остида газета саҳифаларидан ўрин олаётган мақола, корреспонденция, лавҳа ва очерклар қизиқиб ўқилади, албатта.

Газета материалларининг аксариятида билдирилган мулоҳазалар юзасидан редакция газетхонлардан кўплаб отликлар, хат-хабар олаётгани бунинг далилидир. Чунончи, Ленинград район «Коммунизм» колхози партия комитетининг секретари М. Нишоновнинг «Коллективчиликми ёки нафсонят?» сарлавҳали мақоласида кўтарилган проблемалар область партия, совет ва хўжалик активида, газетхонларнинг катта кўпчилигида алоҳида қизиқиш уйғотди. Гап шундаки, партия ташкилотининг меҳнат коллективидаги сиёсий-ташкилотчилик ва тарбиявий роли, партиявий принципиаллик ва айрим раҳбар кадрлар нафсонияти масалалари мақолада конкрет фактлар, кўпйиллик кузатишлар асосида чуқур очиб берилганди. Редакция бу хусусда газетхонлардан кўплаб хатлар олабошлади. Улар газета саҳифасида партия ташкилотлари ҳаётининг муҳим проблемалари бўйича кенг фикр олишув бошланиб кетишига сабаб бўлди. Редакциянинг бу тематик кампанияси, унда кузатилаётган баъзи жузъий камчиликлардан қатъи назар, партия ташкилотлари ишини жонлантиришга, уларнинг меҳнат коллективларининг сиёсий негизи сифатидаги ролини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Область партия ташкилотларининг сиёсий-ташкилотчилик ва тарбиявий ишларини изчил ёритишга интилишдан хабар берувчи материалларни газетанинг деярли ҳар бир номерида топиш мумкин. Совет матбуотининг бой анъаналаридан, унинг хилма-хил жанрларидан аксарият ҳолларда ўринли фойдаланилмоқда. Бош мақолалар, партия ходимлари ва сайлаб қўйилган активнинг проблематик мақолалари, корреспонденциялар, лавҳа ва очеркларнинг кўпчилиги қизиқиб ўқилади. «Муҳим ва масъулиятли вазифа», «Коммунист мулоҳазаси», «Ҳамиша олдинги сафда», «Актив ҳаётий позицияни уйғотиш мактаби» мақолалари, «Коммунистлар — давр дарғаси» махсус сон материаллари ўқимишли, таҳлилга бой. Уларда партиявий ишни яхшилашга оид конкрет мулоҳазалар, фойдали таклифлар бўртиб туради.

Бироқ, газета таҳламларини кўздан кечириш шуни кўрсатадики, гоҳида қуруқ баёнчилик, ютуқларни кетма-кет санаб, партия ташкилотлари фаолиятининг усул ва услубларини, жойларда туғилаётган бой тажрибани мукаммал, тўла очиб бермаслик ҳоллари учрайди. Партия ташкилоти секретарларининг бир қатор материалларида рақамлар, илғорларни санаш асосий ўринни эгаллайди, муваффақиятларнинг бош манбаи — коммунистларнинг авангардлик роли, партия ташкилотларининг жанговарлиги яхлит бир жараён сифатида акс эттирилмайди. Умуман, партия ташкилотларининг экономикага, маданий қурилишга раҳбарлиги атрофлича таҳлил қилинган материаллар кам. Партия комитетлари, қўйи партия ташкилотлари ишидаги камчиликларни енгил-елпи санаб ўтиш билан чекланиш ҳоллари оз эмас. Принципиал, ўткир танқидий мақолалар деярли йўқ. Юзаки қараганда, «Ғоявий чиниқиш мактаби», «Моҳир тарғиботчи», «Номинг коммунист бўлгач...» сингари мақолаларда гўё ҳамма нарса қамраб олингандек туюлади. Аммо уларда ҳам танланган мавзу мукаммал ёритилмайди, партия ташкилотларида содир бўлаётган ишлар, муваффақиятлар бир чеккадан санаб ўтилади, холос. Фактлар таҳлил қилинмайди, мавжуд тажриба жонли, мазмунли очиб берилмайди, мавзу тўлақонли ёритилмайди.

Газета саҳифаларида цех партия ташкилотлари, партия группаларининг фаолияти етарли ёритилмаётир. Партия йиғилишларининг тарбиявий ва сафарбар этувчи роли, қарорларнинг ижросини тащкил этиш, янги урф-одатларни кенг жорий қилиш, социалистик мусобақанинг, коммунистик меҳнат ҳаракатининг тарбиявий ишдаги самарадорлигини ошириш проблемалари ҳамиша ҳам кўламли ва мазмунли ёритилаётир деб бўлмайди. Партия ўқувчи ва иқтисодий таълим мазвуида ҳам қизиқарли, илғор пропагандистлар тажрибаси тўлақонли очилган материаллар кам.

Мавзуни, бирор газета кампаниясини юксак пировард натижани кўзлаб изчил ёритгандагина матбуот органи ўзининг ленинча ташкилотчилик ролини тўла бажара олади. Афсуски, «Коммуна»да худди шу борада пала-партишликка йўл қўйиляпти.

Фарғона — Ўзбекистоннинг саноати жадал юксалиб бораётган, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва марказлаштириш асосида қишлоқ хўжалиги ривож топаётган йирик областларидан бири. Ишлаб чиқаришнинг 200 илғори бир беш йилликда икки беш йиллик шахсий топшириғини бажариш учун курашаётир. 300 минг ишчи ва колхозчи коммунистик меҳнат ҳаракатида қатнашмоқда. Область партия ташкилотининг сафи ўсиб, структураси тобора такомиллашмоқда. КПСС XXVI съездидан кейин ўтган даврдагина меҳнат коллективларида 105 партия группаси тузилди. Цех партия ташкилотлари кўпайди. 1982 йил йиғим-терим мавсумида хўжаликларда 221 муваққат партия группаси иш олиб борди. Партиявий ишнинг усул ва услублари такомиллашмоқда, янги инсонни камол топтириш йўлидаги иш қизғин давом эттирилмоқда. Ана шуларнинг ҳаммаси ўзининг тўлақонли журналистик ифодасини кўтиб турибди. Кейинги пайтда «Коммуна» саҳифаларида партия қуйи бўғини жанговарлигини ошириш, кадрлар билан ишлаш, коммунистлар авангардлигини кучайтириш, партия, давлат ва меҳнат инитизомини мустаҳкамлаш проблемалари бирмунча кенг ёритилмоқда. Вазифа партиявий иш тажрибасини ишонарли тарзда конкрет кўрсатиб беришдан, янги проблемаларни жиддий таҳлил қилишдан, матбуот сўзининг мароқли, тушунарли, таъсирчан бўлишига эришишдан иборат.

«КОСМОС-1460» ПАРВОЗДА

1983 йил 6 майда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1460» учирилди.

Йўлдош ичига космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. (ТАСС).

Совет Иттифоқида

▲ МОСКВА

«Автоматизация-83» халқаро виставкаси совет бўлимининг материаллари тайёрланиб бўлди. Пойтахтда май ойида очиладиган автоматика жаҳон кўргизмасида мамлакатимиздан қирқта министрлик ва идоранинг корхоналари, институтлари, конструкторлик бюроларининг ўз маҳсулотлари ва ечимларини кўрсатади.

▲ АШХОБОД

Туркманистонда Зеид сув омбори қурувчилари чўлга бирданига уч томондан ҳужум бошладилар. Бўлғуси сунъий денгизга ҳозир республикада ишлаб турган 17 та сув омборига кетадиганчалик сув сиғади. Яқин йиллар ичида Зеид массивида ихтисослашган ҳар хил хўжаликлар барпо этилади.

▲ ТАЛЛИН

Эстония пойтахтининг уй-жой массиви — Ласнамяэда икки янги микрорайон қурила бошлади. Асримиз охирларига борганда бу ерда Таллин аҳолисининг ярми яшайдиган бўлади. Кўрфаз соҳилида жойлашган бу массивга доимо шамол эсиб туради. Ташқи айлана бўйлаб қуриладиган баланд бинолар уй-жой кварталларини шамолдан тўсади.

▲ ВЕНТСПИЛС

Латвия ССРда ВЛКСМ 60 йиллиги номли Вентспилс порт бўйи заводида мураккаб суюқ ўғит ишлаб чиқарадиган установка муддатидан илгари ишга туширилди. Мазкур установка дастлабки иш соатларидаёқ лойиҳадаги қувватга чиқарилиб, соатига 10 тонна маҳсулот бера бошлади. Бригада пудратини жорий этиш коллективга машина-ускуналарни графикдан ўзиб монтаж қилишга ёрдам берди. Шу туфайли корхона йил охиригача қишлоқ меҳнаткашларига яна 3 минг тоннадан кўп «унумдорлик витамини» юборади.

▲ ДУШАНБА

Бу ерда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон университетларининг ВЛКСМ 65 йиллигига бағишланган дўстлик фестивали очилди. Байрам кунлари сиёсий қўшиқ, плакат конкурслари, студентларнинг ишчи коллективлари билан учрашувлари бўлиб ўтади. Фестиваль 9 май куни Душанбадаги Ғалаба паркида ёшлар намойиши билан тугайди.

▲ РЯЗАНЬ

Рязанлик табиат ошиқталари «Зилол булоқ» операциясини бошладилар. Улар областдаги дарёларни бошлаб берадиган 250 булоқни текшириб чиқдилар. Булоқларнинг ҳаммасига паспортлар берилади. Булоқлар ёнига сувни муҳофаза этувчи довдарахтлар ўтқазилади. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги, Қашқадарё область матбуотини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Каршистрой» бирлашмасининг кўп тиражли «Степной край» газетаси редактори ўртоқ Исом **Жалиловга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

ТОЖИКИСТОН ССРга ХАТ

ПУДРАТГА АСОСЛАНГАН МУСОБАҚА

Ўзбекистон ССР Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз билан Тожикистон ССР Турсунзода районидаги Ленин номли колхоз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг партия Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленумида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган хулосалар ва йўл-йўриқлар асосида анъанавий социалистик мусобақани давом эттиришга қарор қилдилар. 1983 йилда гектардан 40 центнердан пахта етиштириш, дон, хусусан маккажўхори дони, пилла, гўшт, сут, тухум ва бошқа хил маҳсулотлар тайёрлаш ва давлатга сотишни янада кўпайтириш ҳақида шартнома тузиб, амалий тадбирлар белгиладилар. Қуйида шу ҳақда гап боради.

Ҳурматли мусобақадошлар! Сизлар билан социалистик мусобақа боғлаганимизга 20 йил бўляпти. Шу йиллар мобайнида ҳар икки колхоз барқарор юксалиш йўлини босиб ўтди. Ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди, иқтисодий жиҳатдан юксалди. Колхозчи деҳқонларнинг турмуши фаровон бўлди. Қишлоқларимиз шаҳар типида қайта қурилди ва қурилаётир. Мусобақа шарофати билан пахта етиштириш кўпайтирилди, сорти яхшиланди. Дала ишлари ҳар қачонгидан кўпроқ механизациялаштирилди. Чорвачилик ва бошқа тармоқларни ривожлантириш, маҳсулотлар миқдорини оширишда ҳам беқиёс катта муваффақиятларга эришилди.

Шу ўринда баъзи мисолларни келтираман. Ўтган йили бизнинг колхозимиз 1400 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37 центнердан хирмон кўтариб, давлатга 5180 тонна «оқ олтин» сотди. Бошқа хил маҳсулотлар сотиш планлари ва социалистик мажбуриятлар ҳам шараф билан ado этилди. Шу йилнинг биринчи кварталида гўшт тайёрлаш ярим йиллик топшириғи ортиғи билан ado этилди. Сут, тухум тайёрлаш кескин кўпайтирилди.

Сизлар билан имзолаган социалистик мусобақа шартномасида ўн биринчи беш йилликнинг ўзаги ҳисобланган 1983 йилда 1400 гектар майдонда ғўза ўстириб, гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш, давлатга 5600 тонна «оқ олтин» сотиш мажбуриятини қабул қилдик. Бу бир йилда пахта миқдорини 420 тонна кўпайтириш демакдир. Хўжалигимиз территориясида янгидан ўзлаштириладиган ер йўқ. Шу сабабли ҳар гектар ер ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор берамиз.

Бу борада нималар қилдик? Барча майдонларга чигитни ўтган йилдагидан анча олдин сифатли қилиб экдик. Гектарларнинг тўла, уялар сонининг бут бўлишига алоҳида эътибор бердик. Сирасини айтганда, дарахтларнинг ости, суғориш иншоотларининг қирғоқлари, уватларнинг четларидан ҳам бир парча ерни бўш қолдирмадик. Тракторлар айлана олмайдиган бурчак ва ёнбағир жойларга ҳам барака уруғи қададик. Бугун шуни айтиш керакки, мўл ҳосилга дастлабки заминни яратдик.

Лекин улкан вазифалар ҳали олдинда турибди. Ҳар гектар майдонда кўзда тутилганидан 15—20 минг туп кўп ниҳол бўлишини таъминладик. Энди комплекс парваришни кучайтириб, ўсимликни барвақт ҳосилга киритмоғимиз лозим. Булар анча қийин, аммо тўла, бажариш мумкин бўлган ишлардир. Қийинлиги шундаки, бу йил пахта майдонларига чигит суви берилмади. Тўла бажариш мумкин дейишимнинг боиси шуки, ишчи кучи, техника воситалари етарли. Улардан ишнинг кўзини билиб, оқилона фойдаланиш чораларини кўрмоғимиз керак. Биз комплекс парваришни бултургидан деярли 15 кун олдин бошлаб юбордик ва қизғин давом эттирмоқдамиз. Парвариш жараёнида тупроқ қатлами сифатли юмшатиляпти. Бегона ўтларни бутунлай йўқотиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларига қарши профилактик чоралар кўрилаётир. Мақсад шуки, ёш ниҳолларнинг тезроқ ўсиб, ривожланиши, қуёш нури, ёруғликдан тўла баҳраманд бўлишига қулай шароит яратишдир.

Пахтачиликда прогрессив усулларга дадиллик билан ўтилаётганини айтиб ўтмоқчимиз. Бригадаларимизнинг ҳаммаси пудрат усулига кўчирилди. Уларнинг ҳар бирига экин майдонлари, йил давомида бериладиган сув, ўғитлар, биркитилган техника воситалари аниқ белгиланди. Шуниси қувончлики, пудрат усулида бригадаларнинг аъзолари правлениедан нималар олишини яхши биладилар. Айни кезда унинг қайтими нималардан иборат бўлишини, қанча пахта тайёрланиши, сорти қандай бўлиши, ялпи даромад нечоғли кўпайтирилиши, бунинг учун тежамкорликка аҳамият берилиши лозимлигини ҳам яхши тушунадилар. Пудрат усулига биринчилардан бўлиб ўтган Тошканбой Темиров, Абдували Бименов, Турдиали Жўраев, Олимжон Маликов, Лутфулла Назаровлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари гектаридан 45—50 центнердан пахта етиштириш учун курашмоқдалар.

Чорвачилик, пиллачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик ва бошқа тармоқларда ҳам пудрат усули кенг қўлланилаётир. Пахтачилик бригадаларимиз хўжалик ҳисобида иш кўришяпти. Бу усулларнинг қўлланилиши пировард натижада маҳсулотларни кўпайтиришда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Сора Эшликбоева, Муборак Мирзалиева, Дилора Кибишева, Малоҳат Ҳакимова каби ферма ходимлари пудрат усулида ишлаб, ўзларига биркитилган ҳар бош сигир маҳсулдорлигини шу йилнинг биринчи кварталидагина 120—130 килограмм оширишга муваффақ бўлдилар. Йил давомида 4500 — 5000 килограммдан сут соғиб олиш учун курашмоқдалар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Гап шундаки, қишлоқ хўжалиги, хусусан пахтачиликда ҳам, чорвачиликда ҳам пудрат усули, меҳнатга нарядсиз ҳақ тўлаш, бригадаларда хўжалик ҳисобини жорий этиш айнан шу кунларнинг талаби бўлиб, колхозсовхоз ишлаб чиқаришини юқори босқичга кўтариш, маҳсулотларни кўпайтиришда биринчи даражали аҳамиятга молликдир. Ҳар икки хўжалигимиз ўртасидаги социалистик мусобақа шартларининг бажарилишини текширганимизда ана шу масалаларга алоҳида эътибор берамиз. Унгача камчиликларни тўла бартараф этайлик.

Мусобақадош дўстлар! Сизлар билан ютуқларимизни ҳам, камчиликларимизни ҳам ҳамиша баҳам кўриб келяпмиз. Бирини мустаҳкамлаш, иккинчисининг такрорланишига йўл қўймаслик чораларини бақамтиликда кўрмоқдамиз. Мен шу ўринда чорва моллари учун озуқа тайёрлаш ва уни қишлов учун асраш хусусида фикр юритмоқчиман. Пудрат формаси жорий этилиши туфайли дағал хашак тайёрлашни кўзда тутилганидан 808 тонна кўпайтириб, умумий миқдорини 6700 тоннага етказишни планлаштирдик. Вадижон Қаҳҳоров бригадаси аъзолари гектаридан 100 центнердан «каҳрабо дон», 600 центнердан силосбоп поя олиш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Йўлдош Бойқўзиев бригадасида эса беда ҳосилдорлигини гектар ҳисобига 250 центнерга кўтариш мусобақаси авж олдириляпти. Бир сўз билан айтганда, бу йил чорва моллари учун 10 минг тонна дағал хашак етиштирамиз, 13800 тонна силос ва сенаж бостирамиз, 1800 тонна «каҳрабо дон» жамғарамиз. Шундай қилиб, чорва молларни туёқ сони ҳисобига кўпайтириш, бўрдоқи ва сўқимга боқиш, гўшт, сут, тухум миқдорини оширишга, бу борадаги социалистик мажбуриятларнинг шараф билан бажарилишига мустаҳкам замин яратамиз.

Ишимизда жиддий камчиликлар ҳам борлигини айтиб ўтамиз. Кўпинча ҳар бош қорамолнинг тирик вазни 450—480 килограммга етказилиб гўштга топширилаётир. Лекин айрим ҳоллларда ундан камроқ тош босаётган қорамоллар ҳам топшириляптики, бунга барҳам беришимиз керак. Сигир соғувчиларимизнинг ҳаммалари ҳам камроқ тош босаётган қорамоллар ҳам топширилятгани, бунга барҳам беришимиз керак. Сигир соғувчиларимизнинг ҳаммалари ҳам 4500—5000 килограммлик маррани эгаллаганларича йўқ. Урғочи чорва молларнинг қисир қолиш ҳоллари учраб турибди. Ҳар бош сигирдан камида битта соғлом бузоқ олишни қоида қилиб қўймоғимиз ва шунга эришмоғимиз лозим.

Келтирилган мисоллар, факт-рақамлардан кўриниб турибдики, азиз мусобақадош ўртоқлар, 1983 йилда пахта, чорва маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотларни кўпайтиришда шу вақтгача эришилганидан кўра юксакроқ чўққиларга кўтарилишимиз талаб этилмоқда. Партия ташкилотларимиз жанговар, халқимиз меҳнатсевар. Шундай экан, бунёдкорлик меҳнати билан социалистик мажбуриятларимизда тилга олинган марраларни сўзсиз забт этамиз. Пудратга асосланган мусобақа самараларини партия ташкилотлари, халқимиз олдида яна бир карра намойиш этамиз. Сизларни ҳам шунга чақирамиз.

Усарбой ЖЎРАЕВ,
Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз раиси.

КОММУНИСТ ШОИРГА ҲАЙКАЛ ҚЎЙИЛДИ

Таниқли ўзбек коммунист шоири Ҳамид Олимжон ҳайкали унинг номидаги боғдорчилик-узумчилик совхозининг марказий кўрғонида очилди. Унинг муаллифлари — ҳайкалтарош — Ш. Ахтемов, архитекторлар Н. Абдураҳимов ва А. Шокировлар ёзувчини қўлда китоб ушлаб турган ҳолда тасвирлаганлар.

Митингда сўзга чиққан кишилар Ҳамид Олимжоннинг кўпмиллатли совет адабиёти хазинасига жуда катта ҳисса қўшганлиги тўғрисида, шоир асарлари китобхонлар ўртасида ғоят кенг оммалашганлиги ҳақида гапирдилар.

(ЎзТАГ мухбири).
Қувасой,
Фарғона области.

ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК УЧУН

6 май куни Москвада жамоатчиликнинг Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик учун ҳаракат ҳафталиги бошланганлигига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Бу ҳаракат БМТ эълон қилган қуролсизланиш умумжаҳон кампанияси доирасида 7 майдан 14 майгача ўтказилади.

Сўзга чиққан кишилар совет жамоатчилиги КПСС билан Совет давлатининг 80-йиллар Тинчлик программасида ўз ифодасини топган тинчликсевар ташқи сиёсатини, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг Прага кенгаши Декларациясида, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқларида баён этилган янги амалий ташаббусларни астойдил қўллаб-қувватлаётганликларини уқтирдилар.

Йиғилиш иштирокчилари БМТ Бош секретари Перес де Куэльярга мактуб йўллаб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотини ҳалокатли қуролланиш пойгасини тўхтатиш юзасидан бирмунча самарали ва собитқадам ҳаракатларни амалга оширишга даъват этдилар. Мадрид учрашувидаги делегациялар номига юборилган телеграммада Европада вужудга келган ҳарбий хавфдан жиддий ташвишланганлик изҳор этилган. Ҳужжатда Мадридга ўз вакилларини юборган ҳукуматларнинг катта сиёсий масъулияти таъкидлаб ўтилади ва учрашув ўзининг ижобий натижалари билан халқларнинг орзу-умидларини оқлаши учун энг кўп куч-ғайрат сарфлашга қаратилган даъват баён этилган.

Ҳафталик давомида мамлакат республикаларида, ўлкаларида, областлари ва шаҳарларида урушга қарши оммавий митинглар, юришлар, намойишлар бўлиб ўтади.

(ТАСС).

ҒЎЗАНИ КУЛЬТИВАЦИЯ ҚИЛИШ

БИЗНИНГ ТАВСИЯЛАР

Республика колхоз ва совхозлари чигит экишни барвақт муддатларда тугалладилар. Чигитни ундириб олиш бўйича катта иш қилинди — ёмғирдан кейин юз минглаб гектар майдонда қатқалоқ юмшатилди, 400 минг гектарга яқин майдонга чигит суви берилди. Ҳозирги кунда асосий майдонларда кўчат униб чиқди. Илғор хўжаликлар эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилиб, ғўза қатор ораларига ишлов беришни авж олдирмоқдалар, культивацияни муваффақиятли давом эттиряптилар. Бу ўсимликнинг жадал ривожланишига имконият бераётир. Шу билан бир вақтда апрель ойининг иккинчи ярми ва май бошида ҳароратнинг пасайиши кузатилди. Бу ғўзанинг ривожланишига бирмунча тўсқинлик қилмоқда.

Шундай шароитларда ғўза қатор ораларига ишлов бериш — культивацияни кучайтириш ва сифатини ошириш ҳисобига тупроқнинг қизишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Сифатли бажарилган культивация натижасида қатор ораларидаги тупроқ майинлашади, ўсимлик ҳаво ва қуёш нуридан максимал фойдаланади, бегона ўтлар батамом йўқотилади.

Культивацияни ҳар бир участканинг ҳолатига қараб табақалаштирилган ҳолда ўтказиш даркор. Бегона ўтлар мавжуд бўлган майдонларда уларни йўқотиш ва шу билан бир вақтда ҳимоя зоналарини юмшатиш учун пичоқ ва чуқур юмшатадиган панжаларга қўшиб такомиллашган УРОР ротацион ишчи органлари ўрнатилиши керак. Катор оралари 60 сантиметр бўлган участкаларга ишлов беришда икки жуфт такомиллашган юлдузчалар, иккита пичоқ ва битта чуқур юмшатадиган панжа ўрнатилади. Ротацион органлар қаторлардан 3-5 сантиметр узоқликда ва 5-7 сантиметр чуқурликда, пичоқлар 8-10 сантиметр узоқликда жойлаштирилиб, 8 сантиметргача чуқурликда панжалар эса қатор оралари ўртасида 12-14 сантиметр чуқурликда ўрнатилиши керак. Катор оралари 90 сантиметр бўлган ерларга ишлов беришда икки жуфтдан ротацион юлдузчалар, тўртта пичоқ ва битта чуқур юмшатадиган панжа ўрнатилади. Айни пайтда пичоқлар қатор оралари ўртасида чуқурлиги узайтирилган ва поғонали қилиб, уларнинг дастлабки бир жуфти 6-8 сантиметр чуқурликда, иккинчи жуфти 10-12 сантиметр, орқасида эса чуқур юмшатадиган панжа 16-18 сантиметр чуқурликда ишлов берадиган қилиб ўрнатилиши керак.

Бегона ўтлардан тоза ва қатор оралорининг кенглиги 60 сантиметр бўлган участкаларда тупроқни юмшатиш учун тўртта юмшатадиган ва битта чуқур юмшатадиган панжа ўрнатилади. Ротацион ишчи органлари юқорида эслатиб ўтилган тарзда: дастлабки бир жуфт юмшатувчи органлар қаторлардан 12-15 сантиметр узоқликда, 5-6 сантиметр чуқурликда, иккинчи жуфт органлари қатор оралари ўртасида 6-8 сантиметр чуқурликда, чуқур юмшатадиган панжа қатор оралари марказида 12-14 сантиметр чуқурликда ўрнатилиши лозим.

Қатор оралари 60 сантиметр бўлган ерларда қандай ишчи органлари ўрнатилса, 90 сантиметр бўлган участкаларда ҳам шундай органлар ўрнатилади. Бироқ, уларнинг сони 6 тага етказилади. Ишлов кенглиги ва чуқурлиги ҳам юқоридагича, фақат юмшатувчи панжаларнинг учинчи жуфти 6-8 сантиметр чуқурликда, чуқур юмшатадиган панжа эса 16—18 сантиметр чуқурликда ўрнатилади.

Тупроғи зич ва бегона ўтлар кўп бўлган майдонларда пичоқларни ККО юмшатувчи ишчи органларига мувофиқ равишда ўрнатиш тавсия этилади.

Ана шу ишчи органлари билан дастлабки даврда юқорида кўрсатилган кенглик ва чуқурликда культивация қилиш тупроқнинг юмшоқ бўлишини таъминлайди, ерда нам сақлашга, ўсимлик илдизларига ҳавонинг етиб бориши, тупроқнинг қизишига имкон беради. Бу ўсимликнинг тез ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Республика колхоз ва совхозларида ғўза қатор ораларига ишлов бериш учун 40 мингдан зиёд культиватор бор. Чигит экиш ниҳоясига етди. Бироқ, 15 минг агрегат ҳали тайёр эмас ва ишга жалб қилинмаган. Қатор хўжаликларда культиваторларнинг кунлик иш унуми паст бўлиши билан бирга, сифатсиз ишлов бериш ҳоллари учрайди.

Қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозлар раҳбарлари, мутахассисларнинг шу кунлардаги вазифаси мавжуд культиваторларга ишчи органларини ўрнатишни тезда тугаллаш, уларни комплектлаш ва тўла ишга солиш учун қўшимча чоралар кўришдан иборатдир. Агрономлар, бригадирлар ва звено бошлиқлари культивацияннинг сифатли ўтказилиши устидан мунтазам назорат қилиб боришлари керак. Бу муҳим агротехника тадбирини ўз муддатида ва сифатли ўтказиш ғўзанинг жадал ривожланишини таъминлайди.

Тавсиялар Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ходимлари, СоюзНИХИ ва САИМЭ илмий ходимлари томонидан тайёрланган.



ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ. Пахтакор районидаги Акмал Икромов номли совхознинг Қурбон Мингноров бригадаси аъзолари 50 гектар майдондаги оралиқ экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар. Шу кунларда бригадада ўрим қизғин давом этяпти. Ўрилган тўйимли ва сервитамин яшил озуқалар пешма-пеш совхоз фермаларига етказиб берилмоқда. Бу ишда механизаторлардан Мурод Қорабеков, Босим Назаров, Қўчқор Бобобеков, Омонйўл Нолибоевлар алоҳида ўрнак кўрсатишаётир. Суратларда (ўнгдан) илғор механизатор Б. Назаров ва ўрим пайти.

Ф. Лутфуллаев фотолари.

ШОЛИ ЭКИЛМОҚДА

Ворошилов районидаги «СССР 50 йиллиги» номли совхозда шоли экиш бошланиб кетди. Оби-тобида тайёрланган ерларга уруғ ташлашдан олдин гектарига 300 килограммдан минерал ўғит солинмоқда. Шоликорлар бу йил 2800 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 58 центнердан «қирмизи дон» етиштириш мажбуриятини олишган. Ҳосилдорликни 70-85 центнерга етказишга аҳд қилган Ш. Абляматов, О. Примов, И. Абдураҳмонов, Д. Тўлегенов бошлиқ бригадаларда шоли экиш, айниқса, намунали олиб борилмоқда.

Ю. АБДУАЛИМОВ.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ДОБРУЖАНИНГ «ҚОРА ОЛТИНИ»

● **СОФИЯ.** Болгариянинг Добружа конидаги тошкўмир қатламларини ўзлаштириш соҳасидаги ишлар кенг қўламда олиб борилмоқда. Мана шу май кунларида келгусидаги кўмир шахталари жойида геологик шароитларни ўрганиш учун мўлжалланган синаб кўриш кон-қудуғида 1250 метр чуқурликда қазилди.

Добружа конидаги антрацитга етиб бориш йўли енгил бўлмади. Бу ерда икки минг метр чуқурликда «қора олтин»нинг катта-катта қатламлари аллақачон аниқланган эди. Коннинг ишга туширилиши билан мамлакатда энергия хом ашёсининг бошқа турларидан фойдаланиш анча қисқариши факти Добружа тошкўмир ҳавзасидаги юқори калорияли ёқилғи запасларидан далолат беради. Бироқ, ана шу ер ости бойликларига бориш йўлида иккита горизонтал сув тўғоноғи бор, булар шахталарни қуришга тўсқинлик қилмоқда.

Болгар ва совет мутахассислари бир неча йил мобайнида ўтказган кенг тадқиқотлар натижасида шу ер ости сув тўсиқларини бартараф этишнинг бир неча вариантлари таклиф қилинди. Ана шу таклифлар асосида ҳозир дастлабки экспериментал шахта қуриш ишлари бошлаб юборилди. Бу иш мураккаб геологик шароитларда ана шундай объектларни қуриш вақтида шу пайтгача ҳал этилмаган кўпгина проблемаларга жавоб беради.

ТЕЗ СУРЪАТЛАР БИЛАН

● **ГАВАНА.** Озодлик оролининг аҳолиси шу беш йиллиқнинг энг йирик қурилиши бўлган Пунта-Гордадаги конметаллургия комбинатини самарали Совет — Куба ҳамкорлигининг рамзи деб аташади. Латерит рудасининг жаҳонда энг бой запасларидан бири жойлашган мамлакат шарқидаги ерда СССРнинг техникавий ёрдами билан шу корхона тез суръатлар билан барпо этилмоқда. Корхонанинг лойиҳадаги қуввати йилига 30 минг тонна никел концентрати ишлаб чиқаришга мўлжаллангандир.

Қуйидаги ажойиб рақамлар республикадаги ана шу асосий қурилишнинг кўламидан далолат беради: қурилиш учун сарфланадиган капитал маблағларнинг ҳажми 560 миллион песони ташкил этади, 300 минг кубометр бетон ётқизилади, ускуналарнинг умумий вазни 50 минг тоннага етади... Заводни қуриш биноларнинг энг яхши бригадаларига ишониб топширилган.

(ТАСС).

БМТ Хавфсизлик Кенгаши чақирилсин

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Никарагуа ҳукумати Марказий Америка территориясига контрреволюцион кучларнинг бостириб кириши тобора ҳўкайиб бораётганлиги муносабати билан, шу ердаги вазиятни муҳокама қилиш учун БМТ Хавфсизлик Кенгаши шошилинч равишда чақирилишини илтимос қилди.

Никарагуа ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. Уго Тиноконинг Хавфсизлик Кенгаши раисига йўллаган мактубида бу босқинчилик Гондурас территориясидан самосачилар томонидан амалга оширилаётганлиги, Рейган маъмурияти ана шу сомосачиларни пул билан таъминлаб турганлиги, ўқитганлиги ва қўллаб-қувватлаётганлиги ўқтириб ўтилади. Никарагуа ҳукумати БМТ Хавфсизлик Кенгаши халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид қилаётган можаронги бартараф этиш йўлларини топа олади, деб ишонганлиги таъкидланади сўнгра мактубда.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **ПРАГА. Бу ерда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар журналистлар ташкилотлари вакилларининг икки кунлик маслаҳат кенгаши тугади. Кенгашда Болгария, Венгрия, Вьетнам, ГДР, Куба, Монголия, Польша, Руминия, СССР ва Чехословакия намояндалари иштирок этишди. Кенгашда қардош мамлакатлар журналистлар ташкилотларининг ҳамкорлигини чуқурлаштириш ҳамда уларнинг «Тинчлик ва ҳаёт учун, ядро урушига қарши» Жаҳон ассамблеясига тайёргарликда иштирок этиши масалалари кўриб чиқилди.**

● **ЛОНДОН. «Бритиш шипбилдерс» миллий кемасозлик корпорациясининг меҳнаткашлари маъмуриятнинг оммавий ишдан бўшатишлар тўғрисидаги режаларига ялпи забастовка ўтказиш билан жавоб берамиз, деб қарор қилдилар. Компания раҳбарлари режалаштираётган «ишлаб чиқаришни қайта ташкил этиш» натижасида кемасозлардан 9 мингга яқин киши ишсиз қолди. Касаба союзларнинг қарорига кўра, маъмурият бу тадбирларни амалга оширган тақдирда «Бритиш шипбилдерс» ишчи ва хизматчиларидан 63 минг ишчи ва хизматчи иш ташлайди ва ана шу корпорацияга қарашли барча 22 та кемасозлик корхонасини эгаллаб олади.**

● **НЬЮ-ЙОРК. Американинг Невада штатидаги «Смитс Фуд Кинг» савдо корпорациясининг ишчи ва хизматчиларидан 4 минг киши иш ташлади. Улар меҳнат шароитлари яхшиланишини талаб қилмоқдалар. Нью-Йоркдаги бир қанча шаҳар касалхоналари ходимларидан 600 киши забастовка ўтказди. Улар қимматчилик тобора ошаётганлиги муносабати билан иш ҳақининг ҳам оширилишини талаб қилмоқдалар.**

(ТАСС).

ФИНЛЯНДИЯНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

ХЕЛЬСИНКИ, 7 май. (ТАСС). Кеча бу ерда Финляндия Республикаси янги ҳукуматининг состави расмий равишда эълон қилинди. Янги ҳукумат 20—21 март кунлари парламентга ўтказилган сайлов натижаси асосида Финляндия социал-демократик партияси (ФСДП), Марказ партияси (МП), Финляндия қишлоқ партияси (ФКП) ва Швед халқ партияси (ШХП) вакилларидан ташкил топди.

ФСДП раиси Калеви Сорса Бош министр қилиб, марказ партиясининг раиси Пааво Вяюрянен бош министр ўринбосари ва ташқи ишлар министри қилиб, Вейкко Пихлаямяки (МП) мудофаа министри қилиб тайинланди.

Янги кабинет программасининг ташқи сиёсатга доир бўлимида, жумладан «у 1948 йилги дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет — Финляндия Шартномасига асосланган Совет Иттифоқи билан ўзаро фойдали, яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш», дейилади. СССР билан савдо-иқтисодий алоқалар «кейинги йилларда ҳар иккала мамлакат ўртасида эришилган юксак даражадаги савдо-сотиқ соҳасидаги ҳамкорлик асосида мустаҳкамланаверади. Бунда СССР билан Финляндия ўртасида савдо-иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг 1995 йилгача мўлжалланган узоқ муддатли программасида белгилаб берилган имкониятлардан фойдаланилади».

Программада Финляндия Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятининг мақсад ва принципларини тўла қўллаб-қувватлайди, унинг обрў-эътибори ва таъсирчанлигини ошириш учун куч-ғайрат сарфлайверади, қуролсизланиш ва халқаро кескинлик юмшатилиши учун, Хельсинкида имзоланган умумевропа кенгашининг Якунловчи акти асосида Европада ҳамкорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун актив курашади, деб таъкидланади.

ЛИВАНДАҒИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ, 6 май. (ТАСС). Ливаннинг тоғли районларида вазият бирданига кескинлашди. Бу ерда жамоалар ўртасида қуролли тўқнашувлар рўй берди. Натижада ўлдирилган ва жароҳатланганлар бор. «Ан-нидо» газетасининг ёзишича, Тель-Авив мамлакатда Исроил ҳарбий кучларининг бўлиши зарур эканлигини «исбот этиш» ҳамда Ливан проблемаси бартараф этилишини барбод қилиш мақсадида шу можароларни келтириб чиқарди. Мазкур проблемада жанубий Ливандан оккупациячи қўшинлар олиб чиқиб кетилиши кўзда тутилади.

Бекаа водийсида кескинлик сақланиб турибди. Бу ерда кейинги пайтлар исроилликларнинг Ливанда тинчликни сақловчи араб давлатлариаро кучларга мансуб Сурия қўшинларига қарши ивгоарликлари кўпайиб қолди. Шу районда агрессор ҳарбий техникани жамлашни давом эттирмоқда, жанговар ўқлар узиб, машқлар ўтказмоқда, тўплар учун мустаҳкамланган позициялар тайёрламоқда. Ливан матбуотининг маълумотларига кўра, Бекаада танклар кўплаб қатнаб турганлиги кузатилмоқда. Исроилнинг самолётлари ва вертолётлари ҳамиша осмонда учиб юрибди. Босқинчилар тунда Сурия қўшинлари жойлашган ерлар устида ёритувчи ракеталар учирмоқда. Қарама-қарши турган томонлар ўртасида неча бор отишмалар содир бўлиб турди.

Қадимдан Ливаннинг ғалла макони бўлиб келган Бекаа водийсининг тинч аҳолиси бошига кулфатлар ёғилди. Бултур Тель-Авив ҳарбийларининг бостириб кириши натижасида ҳосил пайҳон бўлган эди. Ҳозир кўпгина деҳқонлар хонавайронлик ва очарчилик ёқасида турибди.

ХИТОЙ—ФРАНЦИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

ПЕКИН, 6 май. (ТАСС). Расмий визит билан бу ерга келган Франция президенти Ф. Миттераннинг Хитой раҳбарлари билан олиб борган музокаралари ХКП маслаҳатчилари марказий комиссияси раиси Дэн Сяопин билан бўлган учрашувидан кейин ниҳоясига етди.

Музокаралар тугагандан кейин жанубий ва шарқий Хитойда икки атом электр станцияси қуриш учун мўлжалланган Франция реакторларини етказиб бериш тўғрисидаги, шунингдек телекоммуникациялар соҳасида икки мамлакат ўртасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги Франция — Хитой ҳужжатлари имзоланди.

Франция президенти Пекинда бўлиб ўтган матбуот конференциясида нутқ сўзлаб, жумладан ўз мамлакати «Кампучия проблемаси», деган муаммони ҳал этишда қандай роль ўйнаши мумкинлиги ҳақидаги саволга жавоб қайтарди. Франция, деди у, «Демократик Кампучия коалицион ҳукумати» деган ҳукуматни танимайди ва Кампучия халқи Пол Пот ҳукмронлик қилган замонлардаги фожиани яна бошидан кечиришини истамайди. Франция Вьетнам билан нормал муносабатлардадир, деб қўшиб қўйди у.

ПАРИЖ, 6 май. (ТАСС). «Матэн» газетаси Ф. Миттераннинг Пекинда олиб борган музокараларини шарҳлаб, Франция ва Хитой позицияларидаги асосий зиддиятлар Кампучия проблемасига ёндашишда кўринди, деб ёзади.

АХБОРОТ

ЕШ ЛЕКТОРЛАР МАКТАБИ

Пойтахтдаги 136-мактабнинг тантанали кечалар ўтказиладиган муҳташам зали одатдагидек гавжум. Саҳна тўрида буюк доҳийларимиз Карл Маркс ва В. И. Ленин портретлари. Залга тўпланган мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларининг нигоҳи саҳнага навбатма-навбат чиқиб, доҳийлар ҳаёти ва ижодий фаолиятидан ёрқин лавҳалар ҳикоя қилаётган, уларнинг беқиёс инсоний фазилатлари, жамият истиқболи йўлидаги мислсиз жасоратлари ҳақида тўлқинланиб гапираётган ёш йигит-қизларда. Булар кимлар?! Улар В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг фалсафа-иқтисод факультети студентлари, шу факультет қошидаги ёш лекторлар мактабининг актив иштирокчилари.

Университет ёш лекторларининг ўз тингловчилари билан бундай анъанавий учрашувлари уларнинг назарий билимларини амалий фаолият билан боғлайди, малакасини ошириб боради.

Ш. ҚАҲҲОРОВА.

ЙЎЛОВЧИЛАР МАМНУН

Фориш районидаги Карл Маркс номли совхоз ишчилари яна бир қулайликка эга бўлдилар. 111-автокорхона район марказидан совхозга автобус қатновини йўлга қўйди. Фориш — Қораабдал — Гараша маршрути бўйича автобус қатнай бошлади. Бу қулайликдан меҳнаткашлар беҳад мамнун бўлмоқдалар.

Э. ХЎЖАҚУЛОВ,
Тошкент олий партия мактаби тингловчиси.

ДАШТДА ЕНҒОҚЗОР

Наманган область Чуст районидаги боғдорчиликка ихтисослашган «Коммунизм» совхозида 105 гектар дашт ёнғоқзорга айлантирилди. Совхознинг Т. Эргашев бошлиқ 8-бригадасидаги 85 гектар майдонга «карлик» навли ёнғоқ кўчатлари ўтқазилган эди. Уларнинг дастлабкиси ҳозир икки-уч ёшли бўлиб қолди. Ёнғоқзорлар меҳр билан парвариш қилинаётир. Бундан ташқари совхознинг Д. Соаталиев бошлиқ бригадасида ҳам 20 гектар ёнғоқзор барпо қилинди. Ҳозир ёш ёнғоқ ниҳоллари барқ уриб ўсмоқда. В. Солиев, Д. Далабоев, Х. Жўраев, Н. Солиев, Д. Саидов, З. Зикралиев, Т. Отабоев каби боғбонлар ниҳолларни авайлаб парвариш қилаётирлар.

Ғ. РАСУЛОВ.



Абу Райҳон Беруний номидаги Халқлар дўстлиги орденли Тошкент политехника институтининг автомат бошқариш системаси факультетида ёш мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Суратда: факультет студенти М. Саматова лаборатория машғулотида.

В. Дубровский фотоси (ЎзТАГ).

ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети секретариати ва республика Ички ишлар министрлиги коллегияси шу йил январь ойида биргаликда қабул қилган қарорга биноан ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан Бутуниттифоқ кўригини муваффақиятли ўтказиш мақсадида республика областларида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Область ижроия комитетлари ва касаба союзлари область советлари колхоз ва совхозларда, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларида йўл ҳаракатининг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қатор амалий чораларни кўрмоқдалар.

Жумладан, Наманган областида мева-сабзавот хўжалиги ва тайёрлаш ходимлари касаба союзлари область комитети агросаноат бирлашмаси директорлари Совети билан биргаликда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан Бутуниттифоқ кўриги ғолибларини тақдирлаш мақсадида учта мукофот таъсис этди. Колхоз ва совхозларда автотранспорт ва техника воситалари ҳаракатининг хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг авариясиз ишлашига эришиш мақсадида зарур бошқа тадбирлар ҳам амалга ошириб келинмоқда. Транспорт ва техника воситаларининг техникавий ҳолати, уларнинг тегишли даражада сақланиши устидан назорат кучайтирилган.

Тошкент области колхоз ва совхозларида ҳам бу борада анчагина ибратли ишлар амалга оширилган.

Афсуски, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича Бутуниттифоқ кўригини ўтказиш тадбирлари қандай амалга оширилаётганлигини чуқурроқ текшириб қаралганда ана шу областлардаги хўжаликларда ҳали жиддий камчиликлар мавжудлиги маълум бўлиб қолди. Текшириш шуни кўрсатдики, ҳамма хўжаликларда ҳам автотранспорт воситалари ва трактор прицепларининг техник ҳолати, уларнинг ишлатилиши ва сақланиши устидан кўнгилдагидек назорат ўрнатилмаган. Кўпгина хўжаликларда автомашиналар ва тракторлар ҳайдовчиларнинг уйларида сақланишига йўл қўйилмоқда. Жойлардаги касаба союз ташкилотлари ҳайдовчилар ва тракторчиларнинг иш ва дам олиш режими бузилишига муросасозлик билан қараб келмоқдалар. Техник яроқсиз ҳолдаги автотранспорт ва техника воситаларининг ишга жўнатилишига рухсат берилган ҳоллар ҳам мавжуд.

Куни кеча йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан Бутуниттифоқ кўригини ўтказувчи республика ташкилот комитетининг мажлисида ана шулар ҳақида сўз юритилди. Ташкилот комитетининг мажлисида республика колхоз ва совхозларида, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларида кўрикни намунали ўтказиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

ЎЛИК ЖОНЛАР

ФЕЛЬЕТОН

Михаил Николаевични жуда ҳам ўқимишли одам дейишади. У бадиий адабиётни шунчалик берилиб ўқийдики, баъзан, ҳатто асар қаҳрамонлари образига кириб кетганини ўзи ҳам сезмай қолади. Яқинда у Н. В. Гоголнинг «Ўлик жонлар» китобини ҳижжалаб ўқиб чиққан эди. Эртасигаёқ юришгуришда асарнинг бош қаҳрамони Чичиковнинг ўзи бўлди-қўйди. У ўзи ёқтириб қолган Чичиковнинг образига шундай кириб кетдики, ҳатто яқиндагина директор бўлиб келган Термиз қундузчилик хўжалигига ҳам, юзи қуёш нурида чарақлаб кўзни қамаштираётган Амударё бўйидаги Совуқ қўлга ҳам, шу ерда сузиб юрган барра мўйнали қундузларга ҳам, қўйингчи, ҳатто ҳар битта гапини ерга туширмай дарров илиб оладиган идорадаги ходимларга ҳам бошқача кўз билан қарай бошлади: «Хўш шуларнинг ҳаммасини қандай қилиб пулга чақса бўларкин?...»

У ўйлаб-ўйлаб хўжаликда «ўлик жонлар»ни, яъни штат бўйича рўйхатда бору, амалда эса ўзи йўқ одамларни кўпайтиришга қарор қилди. Бу қарори билан эса биринчи бўлиб ўзи илгари «Электросеть»да ишлаб юрган кезларида қадрдон бўлиб қолган сирдоши — 53-автобус-таксомотор корхонаси диспетчери Нина Маҳмудова деган аёлни шерик қилди:

— Илгаридан дардкашим эканлигингиз сабабли ичимдаги бор гапларни сизга айтмоқчиман, — деди у. — Баъзи одамлар пивофурушлик, сутфурушлик қилиб, пиво билан сут кўпигидан гар-гар кекириб юришибди, Тагларида «Жигули», «Волга», уйлари ўй эмас, қаср. Хўш, айтинг-чи, ўша пивофурушлардан бизга ўхшаган мўйнафурушларнинг қаери кам? Нима, ўшалар керилиб ўтирадиган «Волга»ларга бизлар ўтиролмаймизми?! Йўқ, ундан каттасига ҳам ўтира оламиз. Ҳамма гап ўзимга ишонган одамларни атрофимга тўплаб олишимда.

Михаил Никитиннинг бу гапларидан Маҳмудова ҳангманг бўлиб қолди:

— Вой-бў, қундуз дегани шунақа ҳайвонми ҳали, кўпчилик бўлиб еган билан сира адо бўлмайдиган.

Унинг соддалигини кўриб Никитин мийиғида кулиб қўйди.

— Ҳар битта жониворнинг териси давлат нархида 35 сўм, гўшти 10—15 сўм туради, — деди у чўтнинг соққаларини у ёқ-бу ёққа шиқирлатиб сураркан. — Эҳди гапнинг буёғини эшит. Қундузларнинг бир қисми Амударё бўйидаги Совуқкўл деган жойга қўйиб юборилган. Уларнинг нечталиги, қанчаси ўлигу, қанчаси тириклигини ўзлари билишмаса, бошқаларга қоронғи. Ревизорлар ҳам келиб, қирғоқда беш-олти соат сувга тикилиб ўтиришади-да, кейин чор-ночор мен айтган рақамларни актга киритиб, қўл қўйиб кетишади. Қани энди сен қариндош-уруғларинг, ишонган дугона-ю, дўстларингни олиб келсанг-у, уларни шу ерга ишга жойлаштириб, «ялло» қилиб ишлаб юрсак.

Боятдан бери шеригини сизлаб турган Никитин гап айланиб шерикчиликка келиб тақалганида қандай қилиб ўзининг «сиз»дан «сен»га ўтиб олганини сезмай қолди. Буни Нина Маҳмудова ҳам сезмади. Унинг бутун ўй-хаёли Никитиннинг томдан тараша тушгандай кутилмаганда айтган таклифида эди.

— Мен, ахир таксомоторда диспетчерман-ку? У ердан бўшатишмайди, — деди у тутилиб-тутилиб.

— Вой содда бўлмай кетгур-ей, ахир мен сенга ишингдан бўша деяётганим йўқ-ку! Аризангни ёзиб бергансанг, бас. Буёғи менинг қўлимда, бир йўла иқтисодчи-нормировкачилик билан омборчилик вазифаларини сенга топшириб қўяман. Ҳам хўрдани, ҳам бурдани уриб юраверасан, мазза қилиб, — Никитин шундай деяркан, эсига бирдан Маҳмудованинг ўғли тушиб қолди. — Айтганча, ўғлингни исми Сергей эди-а? Ҳозир у қаёқда?

— Тошкентда, медицина институтининг бешинчи курсида ўқияпти.

— Жуда соз, уни ҳам учинчи разрядли ишчи қилиб буйруқдан ўтказиб қўяман. Ведомостга эса ўзинг қўл қўйиб, пулини олаверасан.

— Мен... мен бу яхшиликларингни қандай қилиб қайтараман? — Маҳмудова қувонганидан нима қилишини билмай сўради.

— Сенинг вазифанг битта, у ҳам бўлса, чизган чизиғимдан чиқмай, айтганимни қиласан, вассалом.

Шу кундан бошлаб Нина Маҳмудова ва унинг Тошкентда ўқиб юрган, ҳатто мўйначилик хўжалигининг қаердалигини тасаввур қилолмайдиган ўғли Сергей қундузчилик хўжалигига қабул қилиниб, уларга жарақ-жарақ пул тўлана бошланди. Н. Маҳмудова ўғли учун ведомостга қўл қўйиб, ўн олти ой давомида ойига саксон сўмдан маош санаб олаверди.

Пашша болга қўнганидай, орадан кўп ўтмай, Михаил Никитиннинг атрофида текин пулга тузоқ қўядиган қариндош-уруғлар, ошна-оғайнилар ҳам уймалашиб қолишди. Никитин эски танишларидан Зина Ковальчукни қуруқликда жойлашган қундузчилик фермасига мудир қилиб, унинг ферма қорасини кўрмаган келинини оддий ишчи сифатида буйруқдан ўтказди. Бундан ташқари, З. Ковальчукнинг область матлубот союзи инкубаторийсида оператор бўлиб ишлаб, тўла маош олаётган ўғли Костяни ҳам бирваракайига электромонтёр ва озуқа цехида қундузларга овқат тайёрлайдиган ишчи вазифаларига тайинлаб, тўла маош белгилади. Борис Токарев дегани ҳам Никитиннинг кўмагида бир пайтнинг ўзида қундузчилик фермасида пайвандчи, область матлубот союзи инкубаторийсида қоровуллик маошини ола бошлади. Буниси ҳам етмагандай, етмиш ёшли кекса онаси М. Колтановскаяни ферма қоровуллигига расмийлаштириб, ундан ҳам тўлиқ иш ҳақини санаб олаверди.

Михаил Никитин қўйнидан тўкилса қўнжига, деб, ўзининг умр йўлдоши Клавдия Никитина, божаси А. Калиниченко, куёви А. Минеевларни ҳам марҳаматидан қуруқ қолдирмади. Хотинига кассирлик ва инструктор-методистлик вазифасини, божасига егерларга бригадирлик қилишни, куёвига эса дурадгорлар бригадаси бошлиғи вазифасини топшириб қўйди. Шундай қилиб, мўйначилик хўжалиги қисқа вақт ичида таг-туги билан Никитинларнинг шахсий оилавий мулкига айланиб қолди.

Энди гапнинг буёғини эшитинг. Никитин ўзи енг ичида қилаётган ишлар чиндан ҳам енг ичида қолаётганига, ҳамма сир-асрорлари атрофига тўплаб олган қариндош-уруғ ва ёр-биродарларидан ортиб остона ҳатлаб, кўчага чиқиб кетмаётганига ишонч ҳосил қилганидан кейин ўзи олдин ўйлаб қўйган режасининг янги бир бобига қўл урди. У одатда ҳар ойда икки марта, яъни маош қўлга тегадиган куни хўжаликдаги сирдош ходимларини иш кабинетига тўплаб, тўғридан-тўғри «ҳар биринг уч кишининг маошини оляпсан, қани шундан бир бўлагини ўртага ташлаб қўйинглар», деб оёқ тираб туриб оладиган бўлди. Пул дегани бошлиқнинг столига лайлак қордай ёғилиб, бир зумда хирмон бўлиб кетарди. Михаил Никитин унинг бир қисмини столи тортмасига сидириб туширади-да, қолган қисмини ёшроқ бир югурдакнинг қўлига тутқазиб: «Қани оёғингни қўлинг олиб бир югуриб келгин-чи» дерди. Шундан кейин бояги югурдак яқин ердаги магазинга бир эмас, бир неча марта югуриб бориб келарди. Кўрибсизки, кўз очиб юмгунча Термиз қундузчилик хўжалиги директорининг иш кабинети турли хил коньяк ва арақларга, ҳар хил тансиқ таомларга тўлиб кетарди. Столлар сурилиб, зиёфатбоп қилиб қўйиларди ва шу кундан эътиборан Никитин ва унинг ҳамтовоқларининг боши зиёфатдан чиқмай қоларди. Бу базмларга Михаил Никитин билан ферма мудири Зина Ковальчук бош-қош бўлишарди. Одатда, ҳар маошдан кейин бир ҳафта-ўн кун давом этадиган зиёфат пайтларида бутун бир хўжаликда уч-тўрт оддий ишчи, беш-олти қундузбоқар ва тракторчилардан бошқа ҳеч ким қўлини совуқ сувга урмас, ҳасса таяниб қолган қундузларнинг ҳолига маймунлар йиғларди.

Гап шу ерга етганда газетхонда «наҳотки, катта бир хўжаликда бирорта соф виждонли одам топилмаган бўлса?» деган саволнинг туғилиши табиий, албатта. Сирасини айтганда, бундай одамлар хўжаликда бор эди. Бироқ Никитин ўзининг ноғорасига ўйнамаган кишиларни илиқ-иссиғида қавушини тўғрилаб, хайр-маъзурни насия қилиб қоларди. Масалан, ветеринария врачи А. Ким зиёфатбозлик пайтларида сўйилиб, ҳазм бўлиб кетган икки юз бош товуқни чиқим актига киритмагани учун шу заҳоти вазифасидан бўшатиб юборилди, кейин эса бу товуқлар «ўлат тегиб ўлди», деган сохта акт билан Никитиннинг айтганидай қилиб ҳисоб-китобларда чиқариб юборилди. Директорнинг йўриғига юрмаган омбор мудирларидан ҳар йили уч-тўрттаси ана шу йўл билан алмаштириб турилади ган бўлди.

Узоқ вақт давомида ёпиғлиқ қозоннинг ёпиғлигича қолиб келаётгани сабаби ҳам худди ана шундай усталик билан иш олиб борилаётганида эди. Бу орада хўжаликка бир неча марта турли ташкилотлардан тафтишчилар, текширувчилар келиб кетишди. Аммо ажабланарли жойи шундаки, уларнинг кўпчилик қисми бу ерда содир бўлаётган воқеалардан кўз юмиб, деярли бир хил мазмундаги актларга қўл қўйиб кетаверишарди. Ана шундай текширишлардан бири роппа-роса олти ой давом этди. Сурхондарё область матлубот союзи тафтишчиси С. Раҳимов ишни бошлаб қўйиб, ҳеч қандай сабаб бўлмагани ҳолда уни ярим йилга чўзди. Шундай бўлса ҳам тафтиш давомида на Михаил Никитин ва на бош бухгалтер Н. Близнюк рад этолмайдиган жиноий ишлар очилиб қолди. Жумладан, қуруқликдаги қундузчилик фермасидан жами нархи 3320 сўмлик 93 бош жонивор кам чиқди. Бундан ташқари, тафтиш бошланиб, дўппи тор келиб қолган пайтда Никитин билан Близнюк 681 бош қундуз Совуққўлга қўйиб юборилди, деб ва кейинроқ эса шу қундузлардан 71 боши нобуд бўлди, деган мазмунда ҳужжат тайёрлашди. «Қани, энди тафтишчи зўр бўлса, сувга шўнғиб қундузларни бирма-бир санаб чиқаверсин», деди М. Никитин ўз ишидан мамнун бўлиб.

Аммо у эрта мийиғида кулган экан. Орадан кўп ўтмай қайтадан контрол-ревизия ўтказилди. Ана шу тафтиш пайтида Термиз қундузчилик хўжалиги раҳбарлари ҳеч қандай асоссиз 3526 сўм 29 тийин турадиган 172 дона мўйнани «яроқсиз» деган акт билан чиқитга чиқариб юборганлари маълум бўлиб қолди. Тўғри, бу мўйналар қаторига масъулиятсизлик билан иссиққа чиритиб юборилган ва қумга кўмиб ташланган 1400 сўмлик 40 дона қундуз териси ҳисобга кирмайди. Чунки яна бир актда ана шу қундузларни йиртқич ҳайвонлар еб кетган, деб расмийлаштирилган эди-да!

Никитинларнинг жиноятининг шунинг эмас экан. Улар қундузларга ҳасса таянтириб, 37.259 килограмм омихта емни чет кишиларга сотиб юборишган, хўжаликдаги машина ва механизмларнинг шалоғини чиқариб, ярамайдиган қилиб қўйишган. Штат бўйича 50 дан ортиқ кишининг исми-шарифи қайд қилинган бўлса ҳам, улардан фақат ўн-ўн беш кишигина қундузчилик билан шуғулланиб, қолганлари Никитиннинг қаноти остида маза қилиб юришган экан. Тоғдан елкаси борнинг тошдан юраги бўлади, деганлари шу бўлса керак-да.

Хуллас, ўзи севган салбий қаҳрамонларига эргашиб, улардан андоза кўчирган фельетонимиз қаҳрамонининг қилмиш-қидирмишлари ана шундай.

А. ХАЛИЛОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СПОРТ

ҚИШЛОҚ СПОРТЧИЛАРИ СПАРТАКИАДАСИ

СОВХОЗ СТАДИОНИДА

Қуёш терак бўйи кўтарилган... Чор-атрофда ястанган яшил далалар. Шабада эсиб турибди. Пахтазор ёқалаб келаётган енгил машина пайкал четида тўхтади. Икки ўспирин қора терга ботиб, кураш тушарди. Беллашаётганлар-у мухлислик қилаётганлар машинадан тушган совхоз директорини пайқашмади. Умарқул чанг-тўзонга қарамай, астойдил ғалаба завқидан баҳра олишга интилаётган ёшларни зимдан кузаткан, ҳам қувонди, ҳам ранжиди: «Одамларни кўтаринки меҳнатга ва самарадорликка чорлабмиз-у, маданий-маънавий юмушларни унутаёзибмиз-а. Нима қишлоқда спорт ишларини йўлга қўйиб юборсак, рўзғоримиз кўтармайдими?! Бир томони турмуш маданияти дегандай...» Шу хаёллар билан машинага ўтираркан, ёшлар унга умидвор нигоҳ ташлаб туришганини кўрди.

Мана шу воқеага ҳам икки йилдан ошди. Яқинда ҳашар йўли билан бунёд этилган совхоз стадионида қишлоқ спортчиларининг область спартакиадаси ўтказилди.

— Ўзига хос спорт байрамининг стадионимизда ўтказилиши бежиз эмас, — дейди Дўстлик районидаги Қосим Раҳимов номли совхоз директори Умарқул Жўрақулов. — Совхоз ишчилари ва ёшларининг физкультура ва спорт билан шуғулланиб, саломатликларини мустаҳкамлашлари, қоларверса, маҳорат оширишлари учун қулай шароитар вужудга келтирилди. Совхозда жисмоний тарбиянинг оммавийлигини таъминлаш партия ташкилоти ва ишчилар комитетининг доимий назоратида. Ҳозир совхоздаги ҳар уч кишидан бири спортнинг бир тури билан шуғулланмоқда. Моҳир самбочи, жаҳон кубоги учун кураш совриндори, халқаро классдаги спорт мастери Бобомурод Файзиев ҳам қишлоғимиз бағрида камол топган. Спорт мастерлари ва мастерликка номзодларни тарбиялаш йўлга қўйилган. Бугунги кунда ўн нафар спорт мастерига эгамиз. Бассейн ва мерганлик тири қурилишлари эса ниҳоясига етказилмоқда...

Совхоз стадионида ўтказилган область спартакиадаси ўн кун давом этди. Беш юздан зиёд йигит-қиз спортнинг бир қанча тури бўйича ўзаро мусобақалашди. Шахматчилар ўртасида Жиззах районидаги Энгельс номли совхоз ишчиси Қодир Турдибоев маҳорат кўрсатган бўлса, шашка бўйича Қосим Раҳимов номли совхоз спортчиси Мурод Норқобиловга тенг келадигани топилмади. Кичик тўп усталари — теннисчилар баҳсида ҳам майдон эгалари юқори натижа кўрсатишди. Жумладан, ўқитувчи Соат Бойбўсов ҳал қилувчи учрашувни «Пахтакор» районидаги «Пахтакор» совхози ишчиси Худойқул Абдуллаев билан ўтказиб, муваффақият қозонди. Теннисчи қизлар орасида Жиззах районидаги Жданов номли совхоз сут соғувчиси Мавлуда Яхшиликова зафар қучди.

Полвонлар беллашуви ҳам мароқли бўлди. Дзю-до ва самбо бўйича мусобақада ҳам майдон эгалари устун келишди. Спорт мастерлари Ҳасан Бобоев, Аваз Раззоқовлар беллашувларни мағлубиятсиз ўтказиб, ғолиблик супасига кўтарилдилар. Волейбол қишлоқда спортнинг энг оммавий турларидан ҳисобланади. Волейболчилар баҳсида «Пахтакор» районидаги Акмал Икромов номли совхоз йигитлари билан Қосим Раҳимов номли совхоз қизлари муваффақиятли куч синашдилар. Миллий кураш ҳамда ГТО кўпкураши бўйича мусобақалар ҳам командалар мавқеини белгилашда муҳим аҳамият касб этди. Спартакиада баҳсларида Қосим Раҳимов номли, Жиззах районидаги Ленин номли, Октябрь районидаги Собир Раҳимов номли совхозларнинг командалари фахрли ўринларни эгаллашди. Кучлилардан сараланган область командаси энди республика Спартакиадасида иштирок этади.

А. ТУРҒУНОВ.

СОВРИНЛАР ВА ЎРИНЛАР

▲ **ВЕЛОПОЙГА. Ўзбекистон йўлларида давом этаётган кўп кунлик пойга иштирокчилари учинчи босқичда 138 километрли масофада куч синашдилар. Туркманистонлик И. Яценко маррага биринчи бўлиб келди. Тошкент области вакили Ж. Абдужабборов билан С. Илёсовлар иккинчи ва учинчи фахрли ўринларни эгаллашди.**

▲ **БОКС. Наманганда республика шахсий-команда чемпионати ўтказилди. Мусобақада муваффақият қозонган армиячи В. Лискин билан А. Василенко, «Меҳнат резервлари» аъзоси О. Зокиров, студент Х. Матчонов, пахтакорчи В. Ивановларнинг баҳслари мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Команда ҳисобида армиячи боксчилар биринчи ўринни олишди.**

▲ **ФУТБОЛ. «Торпедо» (М) — Жальгирис (1:1) учрашуви билан олий лига командаларининг тўққизинчи тур ўйинлари бошланди.**

БАХТЛИ НОМЕРЛАР

7 майда бўлиб ўтган «Спортлото» 19-тиражининг натижалари:

«49 дан 6»: 9, 11, 28, 34, 39, 47.

«36 дан 5»: 1, 3, 6, 19, 27.

(ТАСС).

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 9 майда чиқади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
лабораториялар бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Катта илмий ходим: техник-микробиология (техник микробиология ихтисоси бўйича);

кичик илмий ходимлар: микроорганизмлар биохимияси, (микробиология ихтисоси бўйича, хўжалик шартномаси даврида), микроорганизмларнинг ўзгарувчанлиги ва селекция (микробиология ихтисоси бўйича), микроорганизмларнинг ферментлари (биохимия ихтисоси бўйича).

Конкурс муддати — 20 майгача.

Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700143, Тошкент шаҳри — 143 алоқа бўлими. Академиклар шаҳарчаси.

●

Халқлар дўстлиги орденли Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институти кечки-сиртқи бўлимининг
СИРТҚИ ҚУРИЛИШ ФАКУЛЬТЕТИ
1982—1983 ўқув йилида ҲАММА ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА
VI курс студентлари учун 9 июндан 29 июнгача, IV ва V курс студентлари учун 29 майдан 26 июнгача
Ёзги лаборатория — имтиҳон сессиясини ўтказади

●

НАБИ ҒАНИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ КИНОТЕХНИКУМИ
техникумга киришни ҳоҳловчилар учун 19—20 май соат 10 да
ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Техникум адреси: 700095, Тошкент шаҳри, II-Чимбой кўчаси, 96-уй (38, 76, 87, 28«э», «34«э»-автобусларнинг «Студентлар шаҳарчаси», 8, 18-троллейбусларнинг сўнгги бекати).

●

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
12, 13, 16 май соат 20.00 да, 14, 15, 17, 18 май соат 17 ва 20.00 да
ЛОНДОН ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ
ГАСТРОЛЛАРИ
ҚАТНАШАДИЛАР:
ГРЕГ БОНАМ, опа-сингил, АНДЕРСЕНлар ва солистка ДЖЕЙН ЛОРДОН.
МАРК СТИВЕНС РАҲБАРЛИГИДАГИ ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ ЖЎР БЎЛАДИ.

Билетларни «ЎЗБЕККОНЦЕРТ» ва Марказий «ЮБИЛЕЙ» спорт зали кассаларидан сотиб олиш мумкин.

Справкалар олиш учун телефонлар: кассалар — 46-03-12, 46-70-31, администратор — 46-07-53, 46-68-77.

●

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/V да Санъат усталари концерти.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/V да **Рўё.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/V да **Мангулик.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Етти ажойиб масхарабоз»** — Москва цирки артистларининг хайрлашув гастроллари (8, 9/V да 11, 14, 17.00 да).

Тошкент қишлоқ хўжалик институти коллективи илмий коммунизм кафедрасининг доценти Н. Х. Азизовага отаси

Ханжар АЗИЗОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8 МАЙ, ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Концерт. 10.25 — Будильник. 10.55 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.55 — Тонгги почта. 12.25 — Ҳужжатли фильм. 13.20 — Қишлоқ янгиликлари. 14.20 — Музикали киоск. 14.50 — Ғолиблар. Фронтдош дўстлар клуби. 16.20 — Концерт. 17.20 — Саёҳатчилар клуби. 18.20—Мультфильм. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Концерт. 20.05 — Берлин учун жанг. Озодлик киноэпопеясидан бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли экран. 23.15 — Спорт гимнастикаси бўйича Европа чемпионати. 23.45 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Заряднага сафланинг! 9.20 — Телевизион ҳужжатли фильмлар. 10.00 — Ҳеч ким сенинг ўрнингни босолмайди. Бадиий фильм. 11.05 — Концерт. 11.35 — Ҳайвонот оламида. 12.35 — Мангу ҳаракат. 13.20 — Эртак ҳузурида меҳмонда. 14.20 — Инсон —ер хўжайини. 15.15 — Кинопанорама. 16.45 — Руминия бўйлаб. 17.05 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 17.35 — Фильм-концерт. 18.30 — Улар актёр бўлишган. Бадиий фильм. 20.00 — Стадион ҳамма учун. 20.30 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 — И. С. Бах. 21.00 — Спорт гимнастикаси бўйича Европа чемпионати. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тбилиси) — «Спартак». 2-тайм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Романтика. 11.10 — Ўзбекистон спорти. 11.40 — Мультфильм. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 —Меҳнат коллективлари ва уларнинг корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришдаги ролини ошириш тўғрисида СССР Қонуни лойиҳасини муҳокама қиламиз. 13.20 — Прага каштанлари тагида. Фильм-спектакль, 1-серия. 14.30 — Жангчи шоирлар — бизнинг меҳмонимиз. 15.00 — Ўзбекистон Давлат симфоник оркестрининг чиқиши. 18.05 — Қўғирчоқ фильмлар. 18.30 — Фонарик. 19.00 — Сиҳат-саломатлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Цирк, цирк, цирк. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Байрам кунида. Бадиий фильм. **Фрунзе кўрсатувлари.**

9 МАЙ, ДУШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.35 — Ҳужжатли фильм. 9.45 — Жангчи шоирлар билан учрашув. 10.35 — Қалбга яқин қўшиқлар. 11.20 — Юз биринчи. Бадиий фильм. 1 ва 2-серия. 13.40 — Спорт гимнастикаси бўйича Европа чемпионати. 14.10 — Мультфильмлар. 14.50 — Музикали киоск. 15.20 — Едингдами, ўртоқ... 16.20 — Бугун — Ғалаба байрами. 16.35 — Киноконцерт. 17.30 — Улуғ Ватан уруши ветеранларининг учрашуви ҳақида репортаж. 17.50 — Халқ куйлари. 18.00 — Ғалаба байрамига бағишланган адабий кўрсатув. 18.35 — Халоскорлик. Бадиий фильм. 19.50 — **Фашизмга қарши жангларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси.** Бир минутлик сукунат. 20.10 — Солдат шинелидаги қўшиқ. Концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Балли, йигитлар! 00.05 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Мультфильмлар. 9.50 — Ҳужжатли фильмлар. 10.45 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.45 — А. Толстой. Рус характери. 12.10 — Эстрада концерти. 14.20 — Тревога. Бадиий фильм. 15.35 — СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 16.05 — Биз сен билан дийдор кўришмаймиз. Фильм-спектакль. 18.00 — Концерт. 18.35 — Олам кинокамера кўзгусида. 19.25 — Концерт. 19.50 — **Фашизмга қарши жангларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси.** Бир минутлик сукунат. 20.10 — Илмий-оммабоп фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Халқаро панорама. 21.30 — Время. 22.15 — Яна кўришгунча. Телеспектакль.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Белорус вокзали. Бадиий фильм. 11.50 — Фильм-концерт. 12.50 — Бу заминни сенга қолдирдим. 13.25 — Ҳужжатли фильм. 13.35 — Прага каштанлари тагида. Фильм-спектакль. 2-серия. 14.30 — Кинопублицист экрани. 18.05 — Ғалабанинг 38 йиллигига бағишланган спорт байрами. 18.45 — Жангчи рассомлар. 19.15 — Бугун — Ғалаба байрами. 19.30 — Ахборот. 19.50 — Москва. **Фашизмга қарши жангларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси.** Бир минутлик сукунат. 20.10 — Телефильмлар. 20.30 — Ахборот. 21.30 — Время. 22.15 — Сўнмас у кунлар шуҳрати. 23.35 — Бугун оламда нима гап!

ТОШКЕНТ-II. 18.15 — Болалар учун фильмлар. 19.00 — Телефильм. 19.30 — Фильм-концерт. 20.00 — Берлин йўлида. Бадиий фильм. 21.30 — Москва-II.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000, Тошкент-П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

Р. —01961. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 105. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15